ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ




# МУСИҚА ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИДАН

## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

НАМАНГАН- 2016

# 1. Инновацион таълимнинг назарий аҳамияти ҳақида маълумот

Умумтаълим мактабларида мусиқа дарслари жараёнида янги инновацион технологиянинг бир қатор тамойиллари мавжуд бўлиб, дарснинг умумий мақсадидан келиб чиққан ҳолда қизиқарли дарс ташкил этиш, тест саволлари асосида ўқувчининг билимини синаб кўриш, муаммолари вазиятлар асосида савол-жавоблар тариқасида инновацион дарс ўтиш ва бошқалардан иборатдир. Бундай усулларни аралаш-қуралаш қилиб, болани зўриқтирмаслик, унинг унинг ёшни ҳисобга олган ҳолда усуллардан фойдаланиш ўқитувчи –педагогнинг билиши зарур бўлган хусусиятдир.

**ТАЪЛИМ** -билим бериш, малака ва кўникма ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситасидир. Таълим жараёнида билим ўзлаштирилади ва тарбия амалга оширилади.

Таълим тор маънода ўқитиш тушунчасини англатади. Лекин у фақат турли ўқув юртларида ўқитиш жараёни эмас, балки оила, ишлаб чиқариш ва шу каби соҳаларда ҳам маълумот ўзлаштириш жараёнидир

**ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ** - бутун ўқитиш ва ўқиш жараёнини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизими усули бўлиб, у мақсадга эришишга йўналтирилган ҳолда инсонларнинг ўрганиш қобилияти ва улар ўртасида мулоқот тўғрисидаги тадқиқотлар натижасига ҳамда таълим жараёнини янада самарали ташкиллаштиришнинг жонли, жонсиз воситалари билан шуғулланишга асосланади.

**ИННОВАЦИОН** – грекча didaskien сўзидан олинган бўлиб, ўқитаман, ўқишни ўргатаман маъноларини англатади. Шунга кўра инновациона – бу ўқитиш назариясидир. Инновациона ўқитиш жараёнининг шакллари, методлари, тамойиллари, мазмуни, вазифаси ва максадларини ишлаб чикади.

**МЕТОДИКА**– Инновацион анинг ўқитиш, қонуниятлари, қоидалари, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш ва натижалари назорат қилиб

бащолаш метод щамда воситаларини ўзида мужассамлаштирувчи фан тармоғидир. Ҳар бир ўқув фани ўқитиш сощаси ўргатишнинг вазифалари, мазмуни, методлари ва ташкилий кўриниши щақидаги методика асосида қурилади

**ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ** - бу турли усуллар тизими бўлиб, ўқув-инновацион материаллардан фойдаланиш орқали белгиланган мақсадга эришиш учун назарий дарс ва амалий маш\улотлар пайтида қўлланиладиган усуллар мажмуасидир.

**МЕТОД**– ибораси (юнонча-methodas-тадқиқот ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатиб) воқеликни билиш, ўзлаштириш, ўзгартириш усуллари мажмуасидир. Метод аслида инсоннинг амалий фаолияти негизида вужудга келган. Метод – инновацион жараён элементи сифатида мазмун мақсадларга максимал мос келиши керак, ана шунда – тарбия, ўқиш, ўрганиш амалга ошади. Методнинг асосий вазифаси – қобилиятни ривожлантириш. Касбий фаолиятда методнинг асосий кўрсаткичи – унинг касбий фаолият воситаларига мослигидадир.

**МЕТОДОЛОГИЯ**– метод ва логия ибораларининг бирлигида билиш фаолияти усули, тузилиши воситалари ва мантиқий тартиби щақидаги таълимот маъносини англатади. Демак, методология ҳар қандай фаолиятнинг зарурий ташкилий компонентидир.

Методологик билимлар, энг аввало, муайян фаолият турларининг мазмуни ва изчиллигини ўзига қамраб олиб, одат ҳамда меъёрлар шаклида,иккинчидан, амалда бажариладиган фаолиятнинг таъсири сифатида юзага чиқади. Ҳар иккала ҳолда ҳам билимнинг асосий вазифаси билиш жараёнини тартибли равишда амалга ошириш ёки бирор объектни амалий ўзгартиришдан иборат.

**БИЛИМ-** бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги уларнинг ички заруриятидан келиб чиққан боғлиқликдир. Уни қонуният деб ҳам юритилади. Чунки бу зарурий боғлиқлик нарса ва щодисаларнинг табиатидан келиб чиқиб, бизнинг ихтиёримиздан ташқари ўзи мавжуд. Уни

ўзгартириб бўлмайди. Билим кишидан кишига маълумот (ахборот) орқали ўтади.

**КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАР.** Кўникма ва малакалар деганда бирор шахснинг муайян фаолиятни муваффақиятли бажариши учун шарт-шароитлар яратиб берувчи, ташқаридан кузатиш мумкин бўлган ҳаракатлари ва реакциялари тушунилади. **Малакалар** онгли равишда амалга оширилган фаолиятнинг таркибий қисмига кирувчи автоматик тарзда юзберадиган ҳаракатлардир.

**МАЛАКА-** киши эгаллаган билимлари кўникма босқичидан ўтиб, доимий ҳаракат турига айланиши, маҳорати ҳосил қилиши.

**МАҲОРАТ- Ў**злаштирилган билимлар ва ҳаётий тажрибалар асосида барча амалий ҳаракатларни (шу жумладан дарс беришни) кам куч ва кам вақт сарфлаб бажариш.

**БАХОЛАШ-** таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир.

**КАСБ-** муайян билим ва маҳорат талаб этадиган меҳнат фаолияти тури. Касб-ҳунар сирларини эгаллашга умумий ҳамда махсус маълумот ҳамда амалий иш-ҳаракат усулларини ўзлаштириш орқали эришилади.

**Таълим бериш методлари** деганда педагогнинг иш усулларини тушунмоқ керак.

1.Ўқитишда талабанинг ҳаракатлари характеристикасига кўра:

а) Фаол методлар

б) Пассив методлар

2. Ўқув ишининг турларига қараб:

а) билимларни ўзлаштиришнинг дастлабки методи;

б) билимларни такомиллаштириш методи;

в) Билимларни текшириб кўриш ва баҳолаш методи;

3. Билим манбаларига қараб:

а) Оғзаки методлар;

б) Кўргазмали методлар;

в) Амалий методлар.

Инновацион назарияни ўргатиш асосида қуйидаги мақсадларга эришилади:

1. Қўувчининг психологик- функционал фаолликни бошқаради;
2. Ривожланишнинг энг янги бошқарувларини ташкил этилади;
3. Мусиқани дифференционал идрок этишга, шеърдаги ифодаларни, шеър мазмунини, хусусиятини тезроқ англанишини идрок этади;
4. Иродани ривожлантиради ( ўйин қоидаларига тўғри амал қилишнинг мўътадиллигини таъминлаш) ;
5. Интеллектуал имкониятларни, инновацион масалаларни хал этиш жараёнида мусиқанинг образли – мазмуни хусусиятларини таҳлил қила олиш ўқувини ривожлантириш;

Юқоридаги кўзланган мақсадга эришиш орқали шахснинг диққати, хотираси, идроки, қизиқиши, қобилияти, иродаси (ҳис- ҳаяжони)га таълимнинг таъсир этишини таъминлайди.

Таълимда онглилик ва фаоллик принципининг учта асосий тамойиллари бор:

- ўқув дастурларининг ўқувчилар томонидан онгли идрок этилиши;
- ўқув машғулотларига онгли муносабатда бўлиш;
- тафаккурнинг фаоллигини шакллантириш.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўқувчиларга инновацион дарс ўтиш жараёнида янги инновацион технология усулларидан фойдаланишда диққатимизни бугунги ўтилажак дарс мавзусига қаратишимиз лозим. Бироқ , баъзан санъатга қизиқадиган ўқувчиларни кузатсангиз, партани чертиб, сизга жўр бўлаётганини кўрасиз. Шуни ўзи у сизни қабул қилаётганини, қўшиқ билан яшаётганлигини, оҳангни чин дилидан ҳис этаётганини билдиради. Мусиқа маданияти дарсларида чалишни ўргатиш, мусиқа асбоблари билан таништириш чоғида қайси ўқувчининг қай даражада лаёқати борлигини ҳам

англашимиз лозим. Ўқувчининг қандай асбоб ушлаётгандаёқ , унга бир меҳр билан қараётганидаёқ ана шундай лаёқат сезилади. Шунда сизда шундай ўқувчи билан ишлаш, қўшимча инновацион машғулот ўтиш иштиёқи намоён бўлади, натижада у сиздан чолғу асбобини ўрганади. Шунинг ўзи ҳам дарс жараёнида мусиқа асбобидан фойдаланишнинг кўргазмали ҳамда натижани асосидир. Айнан чолғу асбоблари билан ишлашни ҳам янги технологияга асосланиб ўргатсак ўқувчи учун қизиқарли бўлади.

Инновацион машғулотни ўқувчилар томонидан тўла ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида ўқитувчи инновацион -технология ўйинларидан фойдаланиш лозим. Улардан "Мияга хужум" (Брейнисторминг) ёки фикрлар жанги майдони бирор муаммони ечимини гуруҳ шароитида топиш усулидир.

Мияга хужумни ташкил этиш қоидалари:

Гуруҳга муҳокама учун муаммо тавсия этилади.

Мияга келган ҳар қандай ғоялар қабул қилинади.

Барча таклиф қилинган ғоялар муҳокама қилинади.

Фикрлар умумийлаштирилади, таҳлил қилинади, аҳамиятга кўра тартибга солинади.

Имкониятга кўра ягона фикрга келинади, тақдим этувчи вакил тайёрланади.

Ўйинлар: гуруҳ аъзоларини бирлаштириш, ҳам фикр қилиш, бир-бирини қўллаб-қувватлашга ўргатиш мақсадида ташкил қилинади.

Ўйинлар:

Инновацион машғулот мавзусига мос бўлиши.

Гуруҳ аъзоларининг ёши, бир-бирини билиш даражаси интерфаол методлар асосида ўқитиш тажрибасини эътиборга олиниши.

Хис-туйғулар, тафаккур ва психомотор хусусиятларини фаоллаштиришга хизмат қилиши керак.

Мусиқа маданияти дарсларида ўйин дарсларни янги инновацион технологияга оид ўтишнинг қоидалари қуйидагича: Ўйинлар 10 минутдан ошмаслиги керак. Ўйинда гуруҳнинг барча аъзолари иштирок этиши лозим.

“Ролли ўйинлар” кўп ҳолларда у ёки бу вазиятда ўзини қандай тутишни билмай қийналишади. Ролли ўйинлар ана шу вазиятда ўйнаш, энг ечим топиш имконини беради. Шунингдек, ўйин жараёни кўплаб маълумотларни ўзлаштиришни енгиллаштиради. Энг муҳими, ролли ўйинларда барча иштирок этади; ҳеч ким четда қолмайди.

“Жуфт-жуфт бўлиб ишлаш” бу ўйинда ўқувчиларга жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун имконият берилади. Айниқса, бу ўйин ўқувчиларни вокал ансамбль, вокал қўшиқчилик, хор бўлиб куйлашда кўпчилик биргаликда ижро этишларида ҳамкорликда ишлашга тавсия бериш, изоҳлаш, энг яхши ечимларни тавсия этишлари мумкин.

“Ўзаро таълим” ўқувчиларга ўзини ўқитувчи ёки эксперт ўрнига қўйиш имконияти берилади. У матн, қўшиқ устида мустақил ишлаш ва бошқаларга тушинтириб бериш керак.

“Ўзаро савол-жавоб” ўқувчилар ўзининг мавзу бўйича бир-бирларига савол берадилар. Саволлар ўқитувчиларга ҳам берилиши мумкин ёки аксинча.

“Муҳокама билдириш” Гурух аъзолари муҳокама қилинаётган муаммога ўз муносабатларини билдирадилар ва шунга кўра икки ёки уч гурухга бўлинадилар. Гурухлар мунозарага киришиб кетадилар. Ким ўз фикрини ўзгартирса, бошқа гурухга ўтиши мумкин. Бу ўйинлардан мусиқа дарсларида фойдаланилса, ўқувчиларнинг дарсга қизиқиши, иштиёқи, бадиий ижодкорлиги кучаяди. Дарснинг самарадорлиги ошади.

Шунингдек, ақлий хужум, клайстер, инсерт, кичик гуруҳлар, жимжимадор аралаш, синквейн, ҳамкорликда ўқиш, таълим жараёнида щыитувчининг саволлари, эссе каби интерактив усуллардан фойдаланиш ҳам юқори самара беради.

Демак ўқувчи мусиқа дарсларида ўқувчиларга вокал-хор малакаларини уйғунлаштириб ўқитишда инновацион технологиянинг барча турларидан оқилона ва мавзуга мослаб фойдаланиш мумкин. Бу эса ўқувчида нафақат мустаҳкам билим олиш, балки аниқ ва равшан дарсларни қабул қилишлари ва хор-вокал қўшиқларини бузмасдан тўғри ижро этишлари ва ёдда сақлаб қолишни таъминлайди. Унинг шахс сифатида ўқитиш тизимини ташкил этади.

Мусиқа дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланишда қуйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим:

Ўқувчиларни мустақил таълим олишлари учун алоҳида шароитлар яратиш.

Дарсларда ўқувчиларнинг фаоллигини орттириш, бунинг учун кўпроқ интерактив услублардан фойдаланиш.

Таълим жараёнида ҳар бир ўқувчига мусиқа таълимининг аниқ мақсадларини тушинтириб бериш ва шу йўл билан уларнинг шу мақсадга онгли равишда интилишларини таъминлаш.

Инновацион жараённи анъанавий репрадуктив ёндашувдан фарқ қилувчи ҳамкорлик инновацион аси талабларида ташкил этиш.

Билим олишда факат дарсларгагина таянмасдан , бошка манбалардан хам унумли фоидаланишга эришиш.

Ўкувчилар билими, малака ва кўнималарини аниклашда уларнинг мулокат қобилиятларини ҳисобга олиш.

Таълим бериш жараёни бошида ўкувчиларни дастлабки даражасини аниклаш ҳамда ҳар бир ўкувчига шахси нуктаи назаридан ёндошиш, унинг ривожланиш динамикасини қайд қилиб, тахлил етиб бориш .

Таълим жараёнида ноанъанавий дарс шаклларидан мусобақа, конкурс, амалий ўйинлар ва ҳокозолардан самарали фойдаланиш.

Дарс жараёнида ўкувчини ўкитиш эмас, кўпрок ижодий ёндашишга ўргатиш.

Илғор инновацион технологиялар худди ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технологиялар каби, барча мутахасислар томонидан такрорланувчан ва пировардида бир-хил натижага эришишни кафолатлайдиган услуб бўлмоғи керак.

Ўқув-тарбиявий жараёни илғор инновацион технологиялар билан таъминлаш вазифаси ҳам ўқувчилардан чинакам ижодкорликни талаб қилади. Ўқитувчи анъанавий дарс усуларидан чекиниб, янги-янги усуллардан фойдаланса мақсадга мувофиқдир, ўқитишнинг янги усулларидан фойдаланиш ўқитувчига

- ўқувчилар тафаккурини фаоллаштириш;
- таълим мақсадини белгилаш;
- мунозара ташкил этиш;
- таълим мотивациясини орттириш;
- ўзгаришларни рағбатлантириш;
- турли қарашлар билан танишиш;
- ўқувчиларни савол беришга ўргатиш;
- ўз фикрларини ифодалай олишга ўргатиш;
- бутун эътиборни бадииий ижодкорликни ривожлантириш имконини беради

Бу усуллар ўқитувчидан катта маҳорат ва иштиёқ талаб этади. Сир эмаски бизнинг дарсларимиз кўпчилик ҳолларда “Бир актёр театри”га айланиб қолган. Ўқитувчи дарс давомида мавзуни тинимсиз тушунтиради. Ўқувчи эса томошабин бўлиб ўтираверади, дарсда ўқувчи иштироки суст бўлади. Ҳақиқий дарс бу – ўқитувчи ва ўқувчи хамкорлигидаги, ўзаро фикр алмашуви бўлмоғи керак. Баъзан ўқувчилар дарсга номигагина киришади. Қотиб қолган эски қолипдаги дарс услуби ўқувчиларнинг ўз имкониятларини ижодий фикрлашнинг намоён этишга ҳалақит бермоқда, мана шу муаммоларни ҳал қилишда ўқитувчи замон билан ҳамнафас бўлмоғи ва ўқитишнинг замонавий методлари ҳақида тушунчага эга бўлмоғи керак.

# 2. Мусиқий таълимда инновацион талаблар.

Мамлакатимиз кейинги йўлларда таълим-тарбия соҳасини замонавий талаблар даражасида кўтариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, таълимни ислоҳ қилиш давлатимиз сиёсатининг устивор соҳаси деб эълон қилинган. Бу аввало, тайёрланаётган инновацион кадрларнинг билим ва малакасига, дунёқараши ва юксак маънавиятига ҳам боғлиқдир. Бу билан уларнинг мусиқа дарсларини сифатли тарзда ўтишларига омил бўлади.

Мусиқа дарсининг сермазмун ва қизиқарли ташкил этиш ўқитувчидан инновацион маҳорат, ижодий фаоллик ҳамда профессионаллик талаб этади. Ўқитувчилар мусиқа дарсида ҳамда синфдан ташқари тадбирларда мусиқий сабоқнинг беришда янги инновацион технологиянинг сирларини қўллашлари ва тарбиявий ишларни ҳам олиб боришлари лозим.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларига қўйилган талаблардан энг муҳими мустақил тарзда бажариладиган топшириқларни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш ҳам ўқитувчига ҳам ўқувчига қмзмқарли тарзда кечади, чунки, бундай дарсларда ўқитувчи бемалол ДВД,ДСД ва компьютерда фойдаланган ҳолда дарсни олиб боради. Ўқувчи эса бундан завқ олган ҳолда дарсга иштирок этади. Бундан ташқари ўқитувчи баъзи мусиқий элементларни компьютерда ўзлаштиришни ўқувчига топшириқ сифатида берганда бола жону-дили билна ушбу вазифани амалга оширади .

Ушбу ҳолатда икита жараён, яъни, талабанинг компьютерни тўла-тўкис ўзлаштириши ҳамда дарсга техник ҳолатда ёндошиши кузатилади.

Инновацион технология- бу таълим шаклларини оптималлаштири мақсадида техник воситалар инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашни тузилиш методидир. Инновацион технология бир неча турларга бўлиниши мумкин:

- умуминновацион технология;
- ҳусусий предметли технология(масалан, мусиқа ўқитиш технологияси);
- маҳаллий инновацион технология;

Инновацион технология- бу жараёнлар, воситалар, услублар мажмуасида иборат бўлиб, у ёшларда аввалдан белгиланган шахс сифатларини шакллантириш учун инновацион таъсир этишнинг мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширилади.

Мусиқа дарси ўқитишнинг замонавий инновацион усулларига доир кўплаб қўлланмалар ҳам мавжуд, бундай услубларнинг илғор мусиқа муаллимларининг ўзлари кашф қилганлар ва улар яхши самара бермоқда.

Инсон ҳаётига ва фаолиятига мусиқа ва эстетик маданиятни олиб кириш, унинг руҳини тетиклаштириш, юксалтириш, ижодкорликка илҳомлантириш- мустақил таълим жараёнини амалга оширишда эстетик тарбияни кучайтиради.

Мусиқа ва эстетик маданият эгиз тушунча эканини бир неча маротаба такрорлаб ўтдик, бундай ҳолатни тушунтириш, шакллантириш ва ҳал этиш инсоннинг чақалоқлик давридан бошланади, умрининг охиригача давом этадиган тарбия жараёнидир.

Ўзбек тилига Давлат мақоми берилишининг ижтимоий-иқтисодий, маданий- маърифий халқларимизнинг миллий онги, миллий ғурурининг ўсишида маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашни тилашида ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мустақил таълимда ҳам миллий қадриятларга таянган ҳолда мусиқа ифодаларини ва ижрочилик маҳоратларини ўргатиш жуда муҳимдир. Мусиқа ўқитувчиси ҳар бир дарсида миллий тарбия тизимини ёшлар онгига сингдириб, уларда ахлоқий сифатларни ҳам таркиб топтириши зарур.

Тарбия топган болагина ўқитувчининг берган топшириғини ўз ўрнида бажаради. Ўқувчилар билан мустақил ишлашда уларнинг мусиқий ижросини шакллнтириш муҳим аҳамиятга эга. Мусиқий ижроси барча фаолиятлар амалиётида етакчи ҳусусиятга эга эканлигини давлат таълими

стандартида ҳам алоҳида кшрсатиб ўтилган. Шу жиҳатдан олиб қаралганда таълим жараёнини мусиқий идрок этишда янги инновацион технологияларга таяниш, ёшларнинг мусиқий қобилиятларини шаклланишига таъсир этувчи бир қанча омилларни келиб чиққан ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Инновацион таълимда ўқувчига бериладиган мустақил топшириқ орқали мусиқали ҳаракатлар, чолғучилик ижодларнинг фаолиятини амалга оширишда ўйин методларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Мусиқа шундай ажойибсанъатки, унинг учун ҳеч қандай тил тўсиғи йўқ , таржимонга муҳтож эмас. Мусиқа шундай ажойиб шифобахш фазилатларга эгаки, буни ўз навбатида Абу Наср Мухаммад ал – Фаробий, Абу Али ибн Сино каби улуғ даҳолар ўз асарларида таърифлаб берганлар.

Демак мусиқа шундай қудратга эга эканки, инсонни ҳатто сеҳрлаб қўяр экан. Хўш ана шундай сеҳрли куйлар, наволар таралаётган созлар қаердан пайдо бўлди, уларнинг усталари кимлар? Бизлар ўшалар ҳақида ўйлашимиз лозим, уларнинг меҳнатларини қадрлашимиз керак.

Бу омилларнинг инновацион аҳамияти унинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳолатларини ҳисобга олиш миллий қадриятларимизни орттиради, анъаналар тизимини ўрганишда ёшлар ўртасида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбеклар болажон халқ бўлганлиги боис ҳам у кимнинг фарзанди бўлишидан қатъий назар ҳамиша тартибга чақиради ҳамда насиҳат қилади.

Жаннатмакон юртимизда яшаб фаолият кўрсатаётган меҳнаткаш, ҳалол, иймон-инсофли, диёнатли кишиларимиз қалбида ёш авлодга бўлган меҳр-муҳаббат бисёрдир. Ҳар бир инсоннинг юрагида ўз меҳнатига яраша қадр топиш шу билан бирга истиқомат қилаётган юрт равнақининг натижаларини кўриш ётади. Бунинг учун эса миллий қадриятларни асраб-авайлаш, кейинги авлодга етказиш ҳамда мустақил Ватанимизни севиб қадрлаши лозим.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий- аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ

бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс - фуқарони шакллантиришни назарда тутади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий модели”ни рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва пухта ўзлаштириш учун ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий, психологик, инновацион ва бошловчиқа тарздаги шароитларни яратишни жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис эта оладиган ёшларни тарбиялашни назарда тутади.

Айтиш мумкинки, ўсаётган ёш авлоднинг тарбияси жамиятимизнинг равнақи учун ўта муҳим масаладир, том маънода айтганда бизнинг шогирдларимиз ойнадаги аксимиздир. Биз ҳозирги ёшларга қандай таълим ва тарбия берсак улар шундайлигича қабул қиладилар. Ҳозирда техника асрида яшаётганимиз боис ёшларимиз қобилиятли бўлиб, уларга мустақил фикрлашни мажбурий ҳолда бериш керак эмас, аксинча қизиқарли, мантиқий саволлар, интеллектуал ўйинлар, қизиқарли Шоулар, баҳс-мунозарали ўйин дарсларини кўпроқ ўтказиш лозим.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Агарда кимда-ким бизнинг мустақил тараққиёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлини, янги жамият қуриш йўлини тўсмоқчи бўлса, аввало ҳали суяги қотмаган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг қалби ва онгининг мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг маънавиятини бузиб, бизнинг азалий табиатимиз ва муқаддас одатларимизга мутлақо зид ғоялар билан чалғитиб, ўзининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга уринади”.

Умумтаълим мактабларида ўқувчи ёшларнинг билим ва кўникмаларини шакллантиришда, уларнинг баркамоллигига эришишда касб-ҳунар ривожига эришишда ўқитувчи-педагоглар юқоридаги фикрлардан хулоса чиқарганлари ҳолда таълимга замонавий дастурларни олиб киришлари лозим. Ўқувчини қай даражада кўпроқ билим олишга, ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга жалб этилса, дарс

самарадорлигига, ёшлар тарбиясини йўлга қўйилишига эришилади. Бунинг учун дарсдан ташқари машғулотларни, тўгараклар фаолиятини чуқур ўзлаштириб, ўқувчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ташкил этишга эришиш лозим.

Мусиқа маданияти дарсларида халқимизнинг мумтоз ва замонавий қадриятларидан баҳраманд бўлиш дарсларнинг самарали бўлишида ўринлидир. Дарс давомида ўқитувчи ўқувчиларга фақатгина мусиқа тинглаш ва қўшиқ куйлаш билан чегараланмай "Одоб - инсон зийнати" мавзуида қизиқарли очиқ мулоқотлар ўтказиши, буюк аждодларимиз қолдирган ўгитлардан фойдаланиши мумкин.

## 3. Мусиқа ўқитишнинг инновацион технологияларига доир 1 соатлик дарс ишланма

**Мавзу: Мусиқа дарсида ўқувчиларнинг мусиқий саводхонлигини таркиб топтириш**

**Дарснинг мақсади:** ўқувчиларни мусиқий билимга эга қилиш, мусиқа саводи қисмини қўшиқ куйлаш мусиқа тинглаш билан.

**Кутилаётган натижалар**: ўқувчиларни дарс даомида мусиқа саводини қуйи синфлардан бошлаб ўргатиб борса, юқори синфларда қўшиқни унинг мазмунига тушуниб қаерни кучли, қаерни майин ижро этиш, нафас олишни ва темани ўқувчи ўзи бажара олади ва қўшиқ ўргатиш ўқитувчига осон бўлади.

**Кўргазмали қуроллар: ноталар асосида тайёрланган кўргазмалар**

РЕЖА:

1. Мусиқани пайдо бўлиши
2. Мусиқанинг инсон камолига таъсири
3. Мусиқа дарсларида мусиқа саводини ўрганиш
4. Мусиқа саводи ўрганишнинг услублари

## ЯНГИ МАВЗУ БАЁНИ

Мусиқа инсоннинг сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ёзиб исхор этилмайдиган хис туйғулари вужудга келади,

Улуғ рус кампазитори Р Глиер шундай деган еди: «Мусиқа- бу ҳаёт таасуротлари орқали ифодаланган фикр ва ҳис туйғуларидир».

Умуман, мусиқанинг яралиши хақида гап борса, унинг Оллоҳ, билан боғлиқлиги айтилади. Эмишки, Оллоҳ инсонни яратди. Хамма нарса Оллоҳнинг ҳоҳиши билан бўлади. Лекин шу яратилган инсоннинг жони йўқ эдию. Шунда оллоҳ унга жон ато қилмоқчи

бўлди. Оллоҳнинг амри билан мусиқа садолари янгради. Шундан кейин инсонга жон кирди ва у ўз қалбига ҳам эга бўлди. Бошқа бир ривоятда айтилади: Шуни билгил ва воқиф бўлгинки, бу меҳтарлик санъати ҳазрати Жаброилдан қолган. Муқаддас оллоҳ одам Атога жон қилажагини айтганда жон қисмга киришга иккиланиб туради. Шундан кейин Оллоҳ таоло меҳтар Жаброил жаннатдан қушнай олиб чиқишни ва чалишни буюради.

Жаброил қушнайни чалишга киришади.

Қушнайнинг оромбахш дилрабо оханглари Одам атога жон ато қилади. Шунинг учун ҳам мусиқа эшитган ҳар бир инсоннинг қалби таскин топади унинг хурсандлиги ва мухаббати ҳам ошади. Тарихдан бизга маълумки барча буюк алломаларимиз мусиқага ўзгача мехр билан қараган. Мусиқани жуда пухта ўзлаштирган ва бу ҳақда жуда кўп рисолалар битганлар.

Масалан, Фаробий Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Сафлиддин ал-Урманий, Абдуқодир Мароғий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Зайнобиддин ал-Хусайний, Нажмиддин Кавкабий Бухорий, Дарвишали Чангий, Захириддин Мухаммад Бобур ва хоказолар.

Қадимги Юнон олими Афлотун ўзининг «Давлат ҳақида» асарида жамиятни жисмоний маънавий жихатлардан ривожлантиришда спорт ва мусиқа машғулотлари ката аҳамиятга эга эканлигини таъкидланган эди.

«Агар гимнастика гавдани мустахкамлаш учун зарур бўлса, мусиқа эса гимнастикасидир» - деган эди. Пифагор мактаби томонидан мусиқанинг кишиларга покловчи таъсири хусусан ахлоқий йўл-йўриқлар системасини ишлаб чиқилган.

Афлотун, Арасту, Плутархлар ҳар қандай ижтимоий тарбия, ҳох педагогик, ҳох эстетик, ҳох интеллектуал бўлсин, асосан мусиқавий тарбияга асосланиши ҳақида фикрга келадилар.

Биз машҳур табиб деб билган Абу Али ибн Сино санъатнинг икки тури – шеърият билан мусиқани синтез қилишга, маънавий тарбияда улар ўйнайдиган ролга, уларнинг ўзаро алоқадорлигига ката аҳамият берган. Ибн Сино ўзининг мусиқага доир рисолаларида «Латиф мусиқа ёқимли кайфият яратади ҳамда кўнгилни очади, ёмон мусиқа эса зардани қайнатади» - деб ўқтиради. Мусиқанинг таъсири ғоят кенг миқиёсли бўлиб, унинг самараси йўдир.

Хозирги замон мусиқа таълими ҳақида гапирсак умумий Дуне қараш инсоннинг вокеаликни билишга асосланади. Таълим жараёнида билиш жараёнининг тури бўлиб, ўқув материалини ўзлаштириш билишнинг мақсади ҳисобланади.

Мусиқа санъати воситалари ёрдамида бадиий образни билишда умуман ҳосил қилинган билимларнинг миқдорий олами ҳам ката ролъ ўйнайди. Шундай қилиб, мусиқа дарсларида ўкувчиларнинг дунёқарашини шакллантириш уларнинг билиш фаолиятини активлаштириш учун куйидаги жиҳатларни ттаъминлаш зарур.

1. Мақсад мавжудлиги ҳамда шахснинг юксак маънавий ҳислатларини ривожлантириш.
2. Мусиқанинг ўкувчилар маънавий оламига эмисионал таъсири.
3. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятида Амалий жихатлар бирлиги.
4. Воқеалик ва санъатнинг ижтимоий роли аҳамиятини кўрсатиш ва мусиқа қонуниятларини англаш.
5. Ўз билганларини амалда қўллай билиш маҳоратини ҳосил қилиш.
6. Мусиқа асарларини аҳлоқий, фалсафий, ижтимоий - сиёсий позисиядан туриб баҳолай билиш.

Мусиқа дарсларида билиш активлигининг Ушбу жиҳатлари ўкувчилар дунёкарашларини шакллантириш муаммоларини очиб

беришни бойитади. Шунинг учун ҳам биз мактабда мусиқадан юксак даражада Амалий ва назарий билим бермоғимиз керак.

Мусиқа ва қушиқни севган унга ихлос қуйган кишидан ҳеч қачон бераҳм, қотил кишилар чиқмайди. Чунки мусиқанинг таъсир кучи бор. Мусиқа инсоннинг руҳига таъсир этади руҳ бу жон демакдир.

Энди бевосита мактабда мусика дарсларини олиб боришга келсак бунда ўқувчиларнинг мусиқа ва ашулани тушуниб, мукаммал ижро этишлари учун мусика саводини яхши билиб олишлари керак бўлади.

Бунда садодан мураккабга қараб ўргатиб бориш талаб этилади. Мусиқа саводи ашула дарсининг бўлимларидан бири бўлиб хор билан кўшиқ айтишга нисбатан иккинчи даражали ўринни тутади. Шунга қарамасдан мусиқа саводи ўқувчининг мусиқа таълимида ката ролъ ўйнайди. Мусиқа назарияси ва тарихидан бошланғич билим беради. Уларнинг савиясини оширади. Мусиқа саводи мусиқасига, унинг ифода воситаларига онгли муносабатда тарбиялайди, мусиқанинг мазмунинибилиб олишга ердам беради.

Энг муҳими нотага қараб куйлашга ва қўшиқ айтиш малакаларини ҳосил қилиш гармоник эшитиш қобилиятининг ўстиришга хор овозларини аник талаффуз этишга хор билан ижро этиш сифатини оширишга ўргатиш билан синфда қўшиқ ўргатиш осонлаштиради.

Мактабда мусиқа саводи ўргатишда қўйидаги услубий таълим олинган мусиқавий билимни бевосита амалда кўллаш ва савод ўргатиш билан биргалашиб қўшиқ айтишни бир – бирига чамбарчас боғлашдан иборатдир.

Мусиқа саводини ўрганиш биринчи синфданоқ бошланади. Кўпгина болалар мактабгача тарбия даврида боғчага қатнаб, боғчагача мусиқа машғулотларида бир қанча мусиқий малакалар

ҳосил қилган бўладилар. Радио ва телевидения орқали эшиттириладиган бир қанча мусиқа асарлари Билан танишган бўладилар. Гарчи анна шу билимлар тасодифий бўлсада, ашула ўқитувчиси мусикадан назарий тушунчалар ҳосил қилишда ўша билимларга маълум даражада иш кўриши мумкин. Биринчи синфда ўқувчиларнинг бутун мусиқа таълимига асосан олинади, шунинг ўқитувчи биринчи синфдан ўқитиш методикаси айниқса яхши билиш, мактаб ёшидаги кичик болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини, уларнинг мусиқа ва вокал-кўшиқчилик имкониятларини чуқур билиши зарур. Болаларнинг мусиқа товушларини баланд – пастлиги ва чўзими каби ўзига хос чуқур бўлиши зарур.

Мусиқа товушларининг баланд – пастлиги тушунчасини ўрганиб болалардаги мавжуд тасаввурларни аниқлашдан иборатдир. Улар кўпинча баланд товушлар “ингичка” товуш деб, паст товушларни ёғон товуш деб аталади. Шунинг учун болалар бир йўла тўғри терминлардан фойдаланишга ўргатишб, баланд ва паст товушларни эшитиб фарқлай билишга ва тўғри аташга одатлантириш керак. Товушларнинг баланд – пастлиги тушунчасини эгаллаш жараёнида уларнинг чўзилиши тушунчаси ҳам айтилади. Мусиқа асарларидаги товушлар фақат баландликка эмас, балки муайян чўзимга ҳам эга эканлиги тушунтирилади. Ундан сўнг нота ёзувини бевосита ёзишга киришилади. Турли чўзимларни чўзма усулда ифодаланиши ўргатилади. Бутун нота ва унинг қанча муддат давом этиши, ярим, чорак, нимчорак, ўн олтиталик ва хоказо ноталар чўзими айтиб, амалий кўрсатилади. Нота йўли ҳақида тушунча беради. Нота йўли – ноталар чўзиладиган ўриндир. Ёнма – ён чўзилган 5 та параллел чизиқлар нота йўли дейилади. Нота чизиқ устига ва чизиқ оралиғига ёзилади. Асосий нота йўли ва ёрдамчи нота йўли мавжудлиги. Бу пастки ва юқориги ёрдамчи нота йўли

эканлигини тушунтирилади. Шундан кейин ўқитувчи нота йўли бошида махсус белги камий бўлмагунча нота йўлидаги ноталарни била олмаслигимиз айтилади. Камий деб нота йўлига ноталарнинг жойлашувини кўрсатиб берадиган белгига айтилади. Энг кўп қўлланиладиган скрипка ёки сол калити дейилади. Сол калити билан ўқувчилар таништирилиб, қандай тартибда ёзилиши, қайси чизиқда кесишиши, иккинчи чизиқни ўраб олиши, шунинг учун иккинчи чизиққа сол нотаси жойлашиши айтилади. Сол нотаси қаерга жойлашганини билиб олган ўқувчи қолган ноталарни билиб олаверади. Чунки ноталар номи тартиб билан ДО, РЕ, МИ, ФА, СОЛ, ЛЯ, СИ деб ўқилади. Буни ўқувчилар ўрганган бўлади. Шубҳасиз ўқитувчи барча ноталарни бир дарснинг ўзида тушунтириб беролмайди, болаларнинг ўзлаштиришга қараб ҳар бир дарсда янги – янги ноталарни ўрганиб боради. Ўқувчи уни бирор чолғу асбобида чалиб кўрсатгани маълум.

Иккинчи синфдан ДО мажор товуши қаторини ўрганиш давом эттирилади. Шу ёшдаги қўшиқчилик имкониятлари гаммани бемалол до 1 дан до 2 гача тўлиқ равишда куйлашга имкон беради. Гаммани юқоридан пастга қўллаш тавсия этилади. Бу ҳолда паст ноталарга ўтишда товушнинг юқори ҳолати сақланади.

Лекин гаммани пастдан юқорига қараб куйлаш ҳам зарур, чунки бундай куйлаш туфайли босқичларнинг изчиллиги ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилинади. Шундай қилиб мусиқа саводи босқичма – босқич ҳар бир синфга ашулага мос равишда аста – секин сабот билан ўрганиб борилади.

Мусиқа дарсларида ўққвчиларнинг мусиқий саводҳонлигини таркиб топтириш шунга олиб келадики, ўқувчи бирор қўшиқни куйлаганда унинг мазмунига тушуниб, қаерни кучли, қаерни майин ижро этишни, қаерда нафас олишни, қаерни 2 марта такрорлашни

ретмини, темпини ва ҳоказо бошқа ифода воситаларини тушунган ҳолда воситакор талабига мос равишда куйлай олади.

1. Ўқувчиларда мусиқа санъатига бўлган қизиқиш ва меҳр – муҳаббатини ошириш.

2. Мусиқий фаолиятлар жараёнида бадиий ижодкорлик ва ҳис – туйғуларни ривожлантириш.

1. Асарларнинг бадиий – ғоявий мазмуни воситасида ўқувчиларни ахлоқий – эстетик тарбиялаш.

4. Мусиқа дарсларида касб – ҳунар ва меҳнатга нисбатан ўқувчиларда иштиёқ уйғотиш каби ишларни амалга ошириш керак.

## 4. Мусиқа тарбиясида ДТС ва педагогик технология талаблари

Бизга маълумки, Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди. Шундай экан, мусиқа таълимида Давлат таълим стандартлари оммавий халқ мусиқа педагогикаси профессионал мусиқа ижодкорлари, мусиқа ижрочилари, катта ашулачилар, мақомчилар, достончилик асарларининг элементар асосларини меъёрлаштиради.

Мусиқа таълимидан давлат таълими стандартлари асосида янги таълим мазмуни ўқувчиларнинг мусиқий билим ва малакалари билан бирга уларда асосан тарбияни бирга олиб бориш лозимлиги таъкидланади. Шу боис, мусиқа маданияти таълимнинг янги мазмуни, ёш авлодни миллий мусиқий меросимизга ворислик қила оладиган, умумбашарий мусиқа бойлигини идрок эта оладиган маданиятли инсон даражасида вояга етказишни назарда тутади. Бунда ўқувчилар мусиқа санъатини бутун нафосати билан ўрганишлари, оммавий мусиқа фаолиятлари: мусиқани бадиий идрок этиш, якка ва жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш асосий мақсад ҳисобланади.

Янги педагогик технологияларга асосланган таълим-тарбия жараёни нима, у анъанавий дарс турларидан нимаси билан фарқланади деган масалага эътиборни қаратамиз. Маълумки, анъанавий дарс турларида таълим-тарбия жараёнида марказда ўқитувчи туради. У ўқув материалини тушунтиради, сўрайди ва баҳолайди.

Ўқувчилар эса ўқитиш жараёнининг суст иштирокчиси бўлиб, улар ўқитувчи тушунтиришини эшитадилар ва унинг саволларига жавоб бериш

билан кифояланадилар. Педагогик техналогияга асосланган ўқитишда эса ўқувчи мустақил равишда билим кўникма малака эгаллаш билан бирга ўз фаолиятларини баҳолаш даражасига кўтарадилар. Бундай ўқитишнинг эса ижрочиси ўқувчидир.

Ўқитувчи бунда таълим олишнинг ташкилотчиси, ўқувчининг ёрдамчиси сифатида қатнашади.

Таълимнинг замонавий шароитларида анъанавий методларни такомиллаштиришга ва янги методларни излаб топишга тобора жиддий талаблар қўйилаётир. Ҳозирги кунда ўқув жараёнига илғор педагогик техналогиялар, дарс ўтишнинг ноанъанавий усуллари, хусусан , интерфаол усул кенг жорий этиляпти.

Педагогик технология – бу таълим шаклларини оптималлаштириш мақсадида техник воситалар инсон салохияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тузилиш методидир .

Мусиқа дарси ўтишнинг замонавий педагогик усулларига доир кўплаб қўлланмалар мавжуд, бундай услубларни илғор мусиқа муаллимларининг ўзлари кашф қилганлар ва улар яхши самара бермоқда. Хусусан, “мавзу қандай баён қилганда унинг неча фоизи ўқувчи ёдида сақланади, у томонидан ўзлаштирилади?” деган табиий саволга жавоб топиш мақсадида ўтказилган маърузаларнинг диалог шаклида олиб борилиши тажриба якунида бугунги талабаларнинг мустақил фикрлашлари ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. Мусиқа таълими йўналиши талабаларига “Мусиқа ўқитишнинг инновацион технологиялари” фанини ўқитишда “Ақлий хужум”, “Жуфтликда ишлаймиз”, “Мусиқани топ”, “Рақамларни танла”, “Хотира чархи” ва бошқа усулларни қўллаш жараёнида юқори натижаларга эришмоқдамиз.

Талабаларга дарс якунида келгуси дарсгача интеллектуал саволларни тузиб, унга ном қўйиш топшириғига жавоб олиниши ҳам самарали кечмоқда. Талаба мавзу юзасидан ўртоқлари, устози билан ўзи мулоқотга

киришиши, амалий машғулотларда қатнашиши, дарсдан олган билимларини гапириб бера олиши, айниқса вақтнинг қадрига етиши, яъни берилган имкониятида кўпроқ манбалар ҳақида фикр юритиши ва ниҳоят баҳолаш ҳамда рағбатлантириш жараёнларида ҳам фаол бўлиши керак. Ана шунда олинган билим мустахкам бўлади . Турли услубларни ўрганиб, таққослаб, ҳамкасблар билан фикрлашиб , хар бир устоз ўз услубини ярата олади .

Республикамизда "Таълим тўғрисидаги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда ДТС талаблари асосида иш олиб бориш касб таълимини ривожлантиришда асос бўлади. Тўққиз йиллик умумий ўрта таълим жорий этилгач, барча ўқув фанлар қатори мусиқа маданияти фанидан миллий ижро устиворлигида ва ҳозирги замон талаби асосида янги дастур яратилди.

Дастур асосида дарсликлар, услубий қўлланмалар, тавсияномалар, тахминий мавзули иш режалари яратилмоқда, чунки, мусиқа табиатига кўра инсон ҳиссиётига кучли таъсир эта олиш хусусияти билан бирга ўқувчиларни нафосат оламига олиб кириш, мусиқа идрокини шакллантириш, мусиқа саводхонлигини ошириш ва ахлоқий-ғоявий тарбиялашнинг муҳим воситасидир.

Қўшиқ куйлаш, мусиқий идрокини кучайтириш ўқувчининг психологик ва физиологик туйғуларига таъсир этади, ижобий фаоллигини таъминлайди, товуш хосил қилиш, артикулясия ва нафас органларини фаоллаштиради. Хотираси, нутқи, диққатини мустаҳкамлаш билан бирга дунёқарашини кенгайтиради.

Мусиқа идрокини шакллантиришда ифода воситаларининг муҳимлиги қўшиқни соф оҳангда куйлаш билан характерлидир. Қўшиқдаги унли товушларни чўзиброқ, ундош товушли бўғинларни эса тез ва бурро талаффуз этиш тавсия этилади. Бундай ифода воситалари бошланғич синф ўқувчилари билан дарс ва қўшимча машғулотлар ўтказиш жараёнида қўлланилса дарс самарадорлигига эришилади.

Дарс жараёнида ўқитувчи мусиқа тинглашда жонли ижродан фойдаланса ўқувчига янада қизиқарлироқ бўлади. Мусиқа тинглаш фаолиятини техник воситалар орқали амалга ошириш билан ўқувчининг мусиқий дунёқараши кенгаяди.

Мусиқа маданияти дарсларида ўқувчилар мусиқа тинглаш, қўшиқ куйлаш, чолғу асбобларига жўр бўлиш каби ҳаракатларни бажариш билан бирга албатта ритмик ҳаракатларни тўлақонли равишда бажаришлари шарт. Бу билан ўқувчининг тинглаш, диққатни бир жойга тўплаш, мусиқа оҳангига мос ҳаракатлар бажариш, чапаклар асосида ритмга жўр бўлиш орқали қобилиятлари ривожланади.

Дарснинг самарадорлигига эришиш, касб маҳоратини тўлиқ бажаришда ўқитувчи-педагоглар ДТС талаблари ҳамда янги педагогик технология асосида истаган фаолиятлар орқали кўзлаган мақсадига эришиши мумкин. Бизга маълумки, мусиқа тарбияси жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Унда ўзбек мусиқа маданияти ва халқ мусиқасининг нодир намуналари орқали ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли вазифа амалга оширилади. Бугун шундай дарслар ташкил этилсинки, педагог фаол ва ташаббускор бўлсин, унинг шогирдлари эса мустақил ва эркин фикрлай оладиган ёшлар бўлиб етишсинлар.

Тарбия жуда нозик масала. Болага, айниқса бошланғич синф ўқувчиларига фақат тўғри, замонимизга, жамиятимизга мос келувчи мисоллар билан, кўргазмалар билан миллий таълим- тарбия тизимини юзага келтириши керак. Агарда бирор марта англашилмовчилик бўлса, албатта келгусидаги дар ёки машғулотда тузатиш киритиш лозим.

“Биз соғлом киши деганда, - деган эди муҳтарам юртбошимиз, фақат соғломгина эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган кишиларни тушунамиз”.[1]

---

[1]. И. Каримов “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари”. Т. “Ўзбекистон”. 1995 йил, 57-бет

Интерфаол усулини қўллашдан мақсад-ўқувчилар томонидан тадбирни пухта ўзлаштиришга эришиш билан бирга уларни фаолликка ундаш, уларда ҳамкорликда ишлаш, маълум вазиятларни бошқариш ҳамда мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

“**Интерактив” сўзи инглизча “Interat” сўзидан олинган бўлиб, “Inter” – биргаликда, ўзаро, “akt” эса ҳаракат маъносини билдиради.**

Мусиқа дарси дастур асосида режалаштирилиб, кўргазмали қуроллар билан мусиқа ўқитишнинг оғзаки, амалий, таққослаш методларидан фойдаланган ҳолда, дарсда ўқувчиларни эътиборини ўзига жалб қилиб, рақс элементлари, мусиқали болалар ўйнаб, мусиқага мос қадам ташлаш, чапак чалишни майин ифодали қилиб куйлаш билан методик талаблар асосида олиб борилади.

Хулоса ўрнида,Давлат таълим стандартларида белгиланганидек, мусиқа идрокини шакллантиришда ижрочилик услубларининг долзарблиги маҳаллий-услубий қўшиқларидан фойдаланиш, маҳаллий бастакорларнинг асарларини ўрганиш мусиқа маданияти дарсларида қўл келади. Ҳар бир қўшиқни ўрганилар экан қўшиқ характеридан келиб чиқиб унниг ифода воситалари ҳам шунга мос бўлади. Шу билан бирга ўқувчи қўшиқдаги алтерасия ва динамик белгиларини ўрганиб, шулар асосида қўшиқнинг мазмунини очиб бериши ва соф куйлаши лозим.

## 5. Инновацион технологиялардан фойдаланишда ўқувчининг ижодкорлигига эришиш

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида мустақил фикрлаш қоидаларини ривожлантирар эканмиз, айниқса бошланғич синф ўқувчиларининг ўз мустақил фикрларини баён этишлари, қўшиқларни жонли тарзда тўлиқ куйлай олишлари, мустақил фикрлай олишлари, энг муҳими миллий мусиқани онгли равишда идрок этиб, қўшиқни куйлашлари аҳамиятлидир.

2005 йилларда Халқ таълими тизимида янада чуқур ўзгаришлар рўй берди. Педагог ўқитувчиларнинг илмий ва касбияй салоҳиятларини кучайтириш, дарс сифат ва самарадорлигини оширишларида таълимга янгиликлар олиб кирилиши талаб даражасига кўтарилди. Яъни таълимга инновацион усулдаги технологияларни қўллаш ва уларни жорий этишга эътибор кучайтирилди.

Инновацион технологияларни қўллашда мусиқа ўқитувчиси ҳар тарафлама талаб даражасидаги замонавий дарсларни ташкил этилши режалаштирилди. Хатто ўтказиладиган Республика анжуманлари ва тадбирларида инновацион технологиялардан оқилона фойдаланиш йўллари белгилаб берилди.

***Инновацион технологияларни қўллаш - ўқув жараёнига тадбиқ этиш орқали педагоглар жуда кўп янгиликларга эга бўлади, айниқса жамиятнинг ривожланиш даражасини ўрганади, дунёвий билимлари педагогда ошади, ўқувчиларда шаклланади, айнан мусиқа оламидаги ривожланиш янгиликларга эришиш малакалари такомиллашади, бир сўз билан айтганда янгиликлар яратиш ҳисобига таълим жараёнининг***

***мезони кучайтирилади, ўзаро фикр алмашув ҳамда тажрибавий билимлар савиясининг кенгайишига эришилади.***

Маълумки, XXI  аср техника асридир, шундай экан бугун ҳар бир педагог ва ўқувчи- ёшлар онги ривожланиб, технологиянинг барча усулларини теран англай олади. Айниқса, интернет тизимини кенг йўлга қўйилиши лозимлиги юртбошимиз томонидан ҳам илгари сурилди. Ҳозирги замон боласи интернет тизимидан мустақил фойдаланиши, улар эркин равишда дунё янгиликларидан воқиф бўлишлари таъкидланди.

Инновацион технологиянинг замирида ҳам дунёдаги мавжуд таълим масканлари, уларнинг иш фаолиятлари ва дарс ўтилиши самарадорлигини ўрганиб, дарсларда жорий этилиши кўзда тутилади. Жаҳон янгиликлари, уларнинг ривожланиш жараёни, дарсдаги режаларнинг келтирилиши, энг муҳими дарсда вақтдан унумли фойдаланиш даражасини жорий этиш ҳам ушбу технологияни қўлланилишида назарда тутилади. Япония давлатида “ишга кеч қолиш” ибораси  тушунчаси қўлланилмас экан, бу билан кўриниб турибдики, ҳеч ким ишга кеч қолмай , вақтни тежар эканлар. Ана шундай вақтнинг қадрига етадиган кишиларнинг иш фаолиятида ҳеч қандай муаммолар дуч келмайди.

Европа давлатларида таҳсил оладиган барча ўқувчи- ёшлар ўз мустақил фикрига эга шахс ҳисобланади, улар дарс жараёнида ўқитувчи берган билим ва малакаларни бемалол равишда англайдилар ҳамда муҳокама ва мунозарага эркин ҳолда қўядилар. Яъни уларнинг мустақил фикрлашларига асос мавжуд бўлади, бундай фикрлайдиган ўқувчиларнинг устозлари ҳам албатта, ўз ўқувчиларидан минг чандон билим ва касбий маҳорат эгаси бўла олади.

Бизда ҳам мустақил фикрлайдиган ўқувчилар мавжуд бўлиб, улар ҳам дарсда фаолликни қўлга оладилар ва дарсни мунозара ва қизиқарли тусга айлантира оладилар. Юртбошимизнинг айнан бугунги кун боласини ўз мустақил фикрига эга бўлишини шундай изоҳлашлари ҳам педагогларни янгиликка ва технологик ютуқларга интилишга ундайди:

***“ Мустақил фикрлай олиш, мусиқани идрок этишни кучайтириш билан бирга сўзлаш қобилиятини ҳам кучайтиради. Айниқса, одоб-аҳлоқ меъёрларини ўрганиш билан болада мукаммаликка интилиш, билим доирасини кенгайтириш, яшаш ҳисси кучаяди.”***

Мустақил фикрлашда шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, бугунги кунда таълим муассасаларида муҳим саналиб келаётган мустақил таълимни ўқувчи- ёшлар орасида ҳам шакллантириш лозимлиги тўғрисида тўхталиб ўтаман. Боиси, бир соатлик дарс ёки қўшимча машғулотлар орқали ўқитувчилар ўз мақсадига эриши олмаслги мумкин, уларни янада эркинроқ машқ қилиб, мустақил равишда фикрлай олишларига эришиш учун уларга мустақил равишда машғулотлар бериш лозимдир.

Дарсда инновацион технологияларни қўллашда дарс машғулотлари жараёнида ўқувчилар ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва бойитиш, таълим олиш ва бўлғуси фаолият учун зурур бўлган кўникмалар, малакалар ва фазилатларни ҳосил қилиш ҳамда ривожлантириш шаклидир.

Бу жараён ўқувчиларнинг бўш вақти, технологик таълим олишга бўлган қизиқиши, ўз-ўзини тарбиялашга қаратилган ҳатти-ҳаракати, ҳарактери, темпераменти билан боғлиқ бўлган бир қанча омилларни ҳисобга олишни тақазо этади.

Ўқувчилар ўртасида инновацион технологик таълимни кенг жорий этишда юқори синф ўқувчиларига турли топшириқлар бериш орқали мустақил фикрлашни бойитишга эришиш мумкин. Бундай жараённи ташкил этишдан мақсад- уларни янги билимларни ўзлаштириш, такрорлаш асосида мустаҳкамлаб боришга одатлантириш, ўқув фанларидан берилган топшириқларни ўз вақтида тайёрлаш, керакли адабиётларни топиш, бўш вақтни оқилона ташкил этишга, жамиятда бўлаётган воқеаларни тўғри баҳолашга ўргатиш, уларнинг мусиқага доир турли фанларни ўрганишга бўлга қизиқишларини ривожлантириш, илмий дунёқарашни таркиб топтириш, мусиқий-эстетик дидини ўстириш, ўз устида мунтазам, қунт билан ишлаш қобилиятини ўстиришдир.

Шуни алоҳида эътиборга олмоқ зарурки умумтаълим мактабларида билим ва кўникма олаётган бошланғич синф ўқувчилари ўртасида олиб бориладиган синфдан ташқари ишларнинг ташкил этилишида ахборот технологияларига таянган ҳолда мазмунли ва мақсадга аниқ йўналтирилган амалий машғулотларда мусиқа идрокини ва мусиқа саводи фаолияти ўзаро ўзвий боғланиш билан қолган барча фаолиятлар амалиётига етакчилик қилади.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбияси жамиятимизнинг равнақи учун ўта муҳим масаладир, том маънода айтганда бизнинг шогирдларимиз ойнадаги аксимиздир. Биз ҳозирги ёшларга қандай таълим ва тарбия берсак улар шундайлигича қабул қиладилар. Ҳозирда техника асрида яшаётганимиз боис ёшларимиз қобилиятли бўлиб, айниқса мусиқа дарсларида ёки бўлғуси рассомнинг ижодий фаолиятида уларга мустақил фикрлашни мажбурий ҳолда бериш керак эмас, аксинча қизиқарли, мантиқий саволлар, интеллектуал ўйинлар, қизиқарли Шоулар, баҳс-мунозарали ўйин дарсларини кўпроқ ўтказиш лозим. Ўз-ўзидан маълумки, мусиқа дарсларида биз расмлардан фойдаланамиз, рассомлар эса мусиқа тинглаб расм чизишлари мумкин, шунда педагог кўргазмалиликка эришган бўлади.

Умумтаълим мактабларида ўқувчи ёшларнинг билим ва кўникмаларини шакллантиришда, уларнинг баркамоллигига эришишда касб-ҳунар ривожига эришишда ўқитувчи-педагоглар юқоридаги фикрлардан хулоса чиқарганлари ҳолда таълимга замонавий дастурларни олиб киришлари лозим. Ўқувчини қай даражада кўпроқ билим олишга, ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга жалб этилса, дарс самарадорлигига, ёшлар тарбиясини тўғри йўлга қўйилишига эришилади. Бунинг учун дарсдан ташқари машғулотларни, тўгараклар фаолиятларини чуқур ўзлаштириб, ўқувчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ташкил этишга эришиш лозим.

Мусиқа маданияти дарсларида халқимизнинг мумтоз ва замонавий қадриятларидан баҳраманд бўлиш дарсларнинг самарали бўлишида

ўринлидир, худди шунингдек тасвирий санъатда ҳам. Дарс давомида ўқитувчи ўқувчиларга фақатгина мусиқа тинглаш ва қўшиқ куйлаш ёки расм чизиш билан чегараланмай, “Одоб - инсон зийнати” мавзуида қизиқарли очиқ мулоқотлар ўтказиши, буюк аждодларимиз қолдирган ўгитлардан фойдаланиши мумкин.

Масалан, бошланғич синфларда ўтиладиган мусиқа дарсларида мусиқа оҳанги остида қўшиқ ўрганиш ва Ватанимизни севиш, ўзаро хурмат ҳамда ахлоқ-одоб қоидалари борасидаги баҳс-мунозара орқали ўқувчиларни мустақил фикрлай олиш мумкин, шу вақтнинг ўзида қўшиқ мазмунидан келиб чиқиб, болаларга расм чизишни ҳам айтиш мумкин шунда улар чизган байроқ, гербимиздаги хумо қушнинг тасвирлари жонли чиқади.

Табиийки мусиқа ҳам айнан инсоннинг ички ва ташқи дунёсини оҳанглар орқали гўзаллик ва яхшиликка йўналтиради. Яъни, кишиларда бўлиши зарур бўлган ҳислатлар, айнан мусиқада ҳам бўлади, жумладан, миллий қўшиқ чиройли ҳаракат, ҳушмуомалалик- ҳушоҳанглик билан уйғунлашади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, одобли бола босиқ, мулойим, камтар ота-онасига меҳрибон бўлади. Қўпол, манмансираган, ҳудбин болалар эса элга ёқмайди. Худди шунингдек ёқимсиз қўшиқ ёки беўхшов расмлар ҳам инсоннинг ғашини келтиради.

Дарс давомида тарбиявий қўшиқларни ўрганиш орқали ўқувчиларнинг ижодкорлик идроки кучаяди, мустақил фикрлайди ҳамда тасвирларда таққослаш қобилиятлари ривожланади. Мустақил фикрлай олган ўқувчи ўқитувчи ўргатган қўшиқни тўғри ўрганади, унинг мазмунига эътибор бериб куйлайди ҳамда таъсирли чиқади.

Мусиқа ўқитувчиси мавзудан келиб чиқиб, ўқувчига шундай савол бериши лозимки, саволнинг ўта содда ва қизиқарлилиги баҳс-мунозарага айланиб кетсин. Ўқитувчи-педагог 45 дақиқа мобайнида саломлашув одоби, нутқ маданияти, бадиий-образлилик, юксак педагогик маҳорат, ижодкорлик қобилияти орқали ўзини ўқувчиларга намоён этиши лозим. Ўқитувчи дарсни ташкил этаётганда албатта ўқувчининг ёши ва қизиқишини инобатга олиши

шарт, шундагина унинг шогирдлари мустақил фикрлаган ҳолда ўз устозидан андоза олаверади.

Инновацион технологияни жорий этишда ўқувчиларнинг ўзларини эркин тутишларига эришиш лозим бўлади. Бунда айнан ягиликлар ўйлаб топиш, ўқувчиларга мутлоқ янгилик тариқасидаги мусиқий “роликлар” тақдим этиш, миллий мусиқаларни ўргатишда ҳам замона руҳини қўшган ҳолда технологияга эришиш керак.

Ўқувчиларга инновацион тизимни жорий этишда фикрлаш қобилиятларини ўта зўриқтирмаслик учун содда ва қизиқарли “метод”лардан фойдаланиш лозим. Дарс жараёнида, айниқса манзараларни табиат қўйнида чизилса ўқувчи учун қизиқарли бўлади, у эркин ҳолда ижод қилади. Маънавиятини бойитиш орқали, энг аввало ўсиб келаётган ёш авлод, аждодлари, бойликлари, ҳусусан анъана ва урф-одатларимиз ҳақида мустақил фикрлашга эга бўлмоқлари лозим. Ўқувчиларда мустақил фикрлаш қоидаларини ривожлантирар эканмиз, айниқса бошланғич синф ўқувчиларининг бурро-бурро қилиб гапиришлари, мустақил фикрлай олишлари, энг муҳими миллий мусиқани онгли равишда идрок этиб, расмни жонли тарзда чизишлари аҳамиятлидир.

Мусиқа дарсида инновацион технологияни жорий этишда бошқа давлатлар янгиликларини олиб киришда албатта тарбия кўникмаларига эътибор қаратиш лозим. Чунки бошқа бир давлат мусиқа санъати мутлоқ бизнинг азалий мусиқамизга тўғри келмаслиги ёки бизнинг урф-одатларимизни ёрита олмаслиги мумкин. Шунда уларнинг кучли тарафларини, масалан, хатто бошланғич синфларнинг ўқувчилари ҳам бемалол нотага қараб куйлашлари, суръат ва темпни ажрата олишлари, турли мусиқий товушларни тезда илғашлари , икки овозда жамоа бўлиб куйлашлари каби жиҳатларини мисол қила олишимиз мумкин.

Инновацион технологиянинг яна бир жиҳати бошқа миллатга мансуб бўлган турли қарашларни янги кўринишларини, яъни табия кўникмалари, ижодий изланиш самараси, техникани чуқур билиш каби малакаларни ўзаро

боғлаш, ўрганиш, жорий этишдан иборатмусиқани ва тасвирий санъатни кучайтириш билан бирга сўзлаш ва тасаввур этишни ҳам кучайтиради. Айниқса, одоб-аҳлоқ меъёрларини ўрганиш билан болада мукаммаликка интилиш, билим доирасини кенгайтириш, яшаш учун курашиш ҳисси кучаяди.

Касб таълимини ривожлантиришда ўқитувчи педагоглар ўқувчи-ёшларни баркамолликка эришишларида ўз ижодий қобилиятларини сарфлаб, уларни билимли-уқувли этиб тарбиялашлари лозим. Бунинг учун ҳеч нима тўсиқ бўла олмайди. Бугунги кунда ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда янгиИнновацион технологияларга асосланган замонавий дарсларни ташкил этиш давр талабидир.

“Интернетни ўрганадиган, янгиликка интиладиган ёшлар энг аввало, мустақил фикрлай олиш, мусиқани идрок этишни кучайтириш билан бирга маданиятли сўзлаш қобилиятига ҳам эга бўлиши зарур. Одобли ва маданиятли шахсгина интернетдан нимани қидириш ва ўрганишни ҳам уддалайди. Айниқса, одоб-аҳлоқ меъёрларини ўрганиш билан болада мукаммаликка интилиш, билим доирасини кенгайтириш, яшаш тарзини ўрганиб бориш лозим”.

Республикамизда “Таълим тўғриси”даги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда ДТС талаблари асосида иш олиб бориш касб таълимини ривожлантиришда асос бўлади. Тўққиз йиллик умумий ўрта таълим жорий этилгач, барча ўқув фанлар қатори мусиқа маданияти фанидан миллий ижро устиворлигида ва ҳозирги замон талаби асосида янги дастур яратилди.

Дастур асосида дарсликлар, услубий қўлланмалар, тавсияномалар, тахминий мавзули иш режалари яратилмоқда, чунки, мусиқа табиатига кўра инсон ҳиссиётига кучли таъсир эта олиш ҳусусияти билан бирга ўқувчиларни нафосат оламига олиб кириш, мусиқа идрокини шакллантириш, мусиқа саводхонлигини ошириш ва аҳлоқий-ғоявий тарбиялашнинг муҳим воситасидир.

Давлат таълим стандартларида белгиланганидек, маҳаллий-услубий қўшиқлардан фойдаланиш, маҳаллий бастакорларнинг асарларини ўрганиш мусиқа маданияти дарсларида қўл келади. Ўқувчи бундай усулдаги қўшиқларни тез ўзлаштиради. Улар оҳангларнинг ёқимлилигини қалбан ҳис этадилар, бироқ еттинчи синфларда берилган халқ қўшиқчилигига оид қўшиқлар ҳамда мақомлар умумтаълим мактабларида таҳсил олувчи ўқувчиларга ўрганишларида мураккабдир. Бундай қўшиқларни касбга йўналтирилган ўқув муассасаларига бериш ўринлидир.

Тарбия топган болагина ўқитувчининг берган топшириғини ўз ўрнида бажаради. Ўқувчилар билан мустақил ишлашда уларнинг мусиқий ижросини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Мусиқий ижроси барча фаолиятлар амалиётида етакчи ҳусусиятга эга эканлигини давлат таълими стандартида ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда таълим жараёнини мусиқий идрок этишда янгиИнновацион технологияларга таяниш, инновацион технологиялардан фойдаланиш ёшларнинг мусиқий қобилиятларини шаклланишига таъсир этувчи бир қанча омилларни келиб чиққан ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчига бериладиган мустақил топшириқда мусиқали ҳаракатлар, чолғучилик ижодларнинг фаолиятини амалга оширишда ўйин методларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

## 5. Инновацион технологияда интер фаол методлари

Инновацион таълимда ҳам ўқитишнинг интерактив методи, ўқувчиларнинг қобилияти, яратувчанлик қолилтяти, янгилик яратиш қобилиятининг қай даражада шаклланганлиги билан белгиланади.

“**Интерактив” сўзи инглизча “Interakt” сўзидан олинган бўлиб, “Inter” – биргаликда, ўзаро, “akt” эса ҳаракат маъносини билдиради.**

Ўзаро биргаликдаги ҳаракат, фаолият ёки суҳбат, диалог тартибида бўлишини билдиради. Интерактив ўқитиш методи – билиш фаолиятини махсус шаклда ташкил этиш демакдир. Бу метод таълим жараёнини аниқ олдиндан белгиланган – мақсади, улар деталлаштирилган бўлиниши тақозо этади.

Шундай мақсадлардан бири - шароитини қулай ва ёқимли бўлишини таъминлаш, ўқувчи дарсда тўла ўзлаштириш имконияти етарли эканлигини хис қилиши зарур, шунда таълим жараёни махсули фаолиятга айланади.

Интерактив ўқитиш методида ўқувчиларнинг барчаси билиш жараёнида фаол қатнашадилар, улар ўзлари билан ўйлаган маълумотларига таянишлари, улардан фойдаланишлари мумкинлигини тушунадилар ва мослашадилар.

Биргаликда ақлий билиш, изланиш фаолиятида ҳар бир ўқувчи шахсан ўзи иштирок этиб, ўз хиссасини қўшади. Билимлари, ғоялари, қарашлари, нуқтаи-назарлари, фаолият кўрсатиш усуллари билан ўқувчилар ўзаро фикр,

тажриба алмашадилар. Ўзаро фикрлашиш, тажриба алмашиш жараёни самимий, сидқидиллик муҳитида бўлиб, бу холат нафақат янги билим олишни таъминлайди, билим фаолиятини оширади.

Мусиқа дарсларида интерактив фаолият бешта асосий элементлардан ташкил топади:

Ижобий-самимий ўзаро боғлиқлик.

Гуруҳ ичида шахсий маъсулиятлилик.

Бир-бирига таъсир этувчи ўзаро фаолият.

Ҳамкорликда ишлаш малакаси.

Гуруҳда ишлаш.

Бу метод ҳамманинг, ҳар бир шахснинг ўзига хос қараши, фикри, хулосаси борлигини, хурмат қилишни таъкидлайди. Бундай типдаги дарсларда ўқитувчи ва ўқувчи яқиндан танишади, кўпроқ улардан сўраш ва баҳолаш имконияти билан бирга сўраш ва баҳолашнинг янги шакллари пайдо бўлади.

Баҳолаш – ўқув фаолиятини режалаштириш жараёнида қуйидаги топшириқларни бажаришга киришар экансиз, ўқувчиларни энг оддий харакатларни қандай бажарилгани барча босқичда эришилган натижаларини баҳолаб боришга ундаши керак. Бусиз мақсадга эришиб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтган мусиқа маданияти дарсларини инновацион тизим асосидаги янги инновацион технология ларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш, ҳисобига таълим жараёнининг рағбати (мотивация) кучайтирилади.Дарсларда ўқувчини рағбатлантириб бориш ўқувчини дарсга бўлган қизиқишини орттиради, дарс самарадорлигига эришишнинг энг мақбул йўлига айланади.

Мусиқа маданияти дарси ўз табиатига кўра санъат дарсидир. Унинг сермазмун ва қизиқарли ташкил этиш ўқитувчидан инновацион маҳорат, ижодий фаоллик ҳамда профессионалликни талаб этади. Ўқитувчилар мусиқа дарсида ҳамда синфдан ташқари тадбирларда мусиқий сабоқни бериш жараёнида ҳамда тарбиявий ишларни ҳам олиб боришларида ўқувчиларни

тўғри ва мулоҳазали баҳолаб боришлари лозим. Юқорида таъкидлаганимиздек, б**аҳо** – ўқувчининг ўз кўрсатгичи, даражаси ва уларнинг иштирокидаги назорат натижасига қўйиладиган қайд , белгидир. Ўқувчилар билимини баҳолаб боришда асосан уларнинг ижодий фаолиятларига эътиборни қаратиш зарур.

Бизга маълумки, мусиқа маданияти дарси орқали болалар нафақат куй- қўшиқ ўрганадилар, балки маънавий дунёқарашлари бойиб, ундан эстетик завқ оладилар. Дарс мобайнида болалар мусиқанинг ўзига хос сирлари биноан танишиб борадилар, ноталарни ўрганадилан, қўшиқ куйлаб, бастакорлар ҳаёти ва ижоди ҳақида чуқур маълумотларга эга бўладилар.

Мусиқа фани адабиёт, тарих, математика ва бошқа кўплаб фанлар билан узвий боғлиқ бўлиб, барча ёшдаги кишиларни ўзига ром этиб, уларни сеҳрли хилқатга етаклайди.

Мусиқа таълимида ҳам инновацион технологиянинг замонавий шакллари, инновацион йўналишлар асосида билим ва кўникмалар бериб борилади. Инновацион технология – вақт тақсимотига мувофиқ, илмий жиҳатдан асосланган ҳамда кутилган натижага эришиладиган кўп қиррали технологик тизимдан иборатдир.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, турли фанлар қаторида мусиқа фанига ҳам эътибор кучайтирилди, инновацион таълим асосида инновацион дарс ўтиш кенгайтирилди ҳамда шу йўналишда бир қатор дастурлар ҳам ишлаб чиқилди. ДТС да ҳам бунга алоҳида тўхталиб ўтилган. Олий ва ўрта махсус таълимим ўқув дастурлари қайтадан ишлаб чиқилди. Миллий мусиқамизга бўлган эътибор кучайтирилди. Авваллляри миллий мусиқамизга бўлган эътибор пастлиги туфайли қўшиқларимиз дастурларада саноқли берлар эди. Бугунги кунга келиб, барча дарсликларга катта ашула, халқ қўшиқлари, фольклор, ялла, лапарлар киритилди. Миллий бастакорларимиз ҳаёти ва ижродаги дарсликларда кенг ёритилган. Шу жумладан ҳозирда, бир ва кўп овозли хор асарлари ҳам манбаларда ёритилмоқда.

Олий ва ўрта махсус касб-хунар коллежларида ўтилаётган дирижёрлик фанини олиб борилишида бошқа фанлар сингари ўзининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда дирижёрлик фанида ҳам инновацион йўналишнинг кенг қирраларидан фойдаланиш йўлга қўйилди ҳамда қуйидагича талаблар қўйилди:

1. Ўқитувчининг бериладиган асарнинг ўқувчининг иқтидоридан келиб чиқиб танлашда замонавийликка эришиш;
2. Фанга алоқадор синфнинг жиҳозида кўргазмаларнинг янгича усулларини жорий этиш;.
3. Ўқитувчининг фанга назарий ва амалий пухта тайёргарлик кўриш;
4. Дарсни қизиқарли, янги инновацион технологияларда фойдаланган ҳолда ташкил этилиши, кўргазмали қуроллар, тарқатма материалларидан ўринли фойдаланиш;
5. Техника воситаларидан фойдаланиш (ВСД, компьютер магнитафон).

Инновацион инновацион машғулотларда ўқитувчи ўқувчини дарс мобайнида ижро маҳорати, чолғучилик ва дирижёрлик ишораларини анқ кўрсата олиши, ўрганилаётган асарнинг мазмун моҳиятининг юз тузимни ва кўз қарашлари, гавдани бошқариш орқали очиб бера олиши ва назарий билимлари орқали асарни таҳлил қила олиш ва драсни ўқувчига етарли даражада тушунтириб бериши лозим. Ўқитувчи дарсни ташкил этишда инновацион анинг интерактив услубларини қўлла ш орқали олиб бориш, ўқувчини янгиликлар асосида илм олишга ундаш билан бир қаторда ўз устида кўпроқ мустақил, ижодий изланишлар орқали мактаб дастуридаги асарларни ўрганиш муҳим омиллардан биридир. Юқорилаги ўқитувчига қўйилган талаблар қаторида ўқувчига ҳам қуйидаги талаблар қўйилади.

1. Ўқувчининг дарсга пухта назарий ва амалий пухта тайёргарлиги;
2. Мустақил ишлаш учун берилган асарни ўзлаштирилиши;
3. Асар таҳлилини оғзаки ва ёзма ёритиб бериш;
4. Ўрганиладиган асарни қўл ёзма ҳолатида ноталаштириш, интервалларни соф куйлаш;

5. Дирижёрлик ишораларини аниқ ва равон кўрсатиш, хорни бошқариши маҳорати.

Ўқитувчи ва ўқувчини дарсда ўзларига қўйилган тал ва вазифаларни бажаришда ўзаро ҳамкорликда янгиликлар киритиш, замон руҳида яратилган асарларадан фойдаланиш ўқувчи учун муҳим аҳамиятга эга. Дарснинг самарадорлигини оширишда фақатгина миллий куй ва қўшиқларни ўрганиш билан чегараланиб қолмасдан, балки қардош халқлар қўшиқларидан ҳам фойдаланиш орқали ўқувчиларада миллатлараро ватанпарварлик фазилатлари шакллантириб борилади.

Инновацион инновацион машғулотларда ўтилаётган ёки ўргатилаётган қўшиқ қизиқарли ва ўқувчининг ёшига мос тарздаги кўргазмалар билан бойитилган ҳолда олиб борилади. Инновацион машғулот кўп ҳолатда ўйин шаклида олиб борилиши юқорида ҳам таъкидлаб ўтилган. Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида ўқувчини мавзуга оид кўргазмали қуроллар тайёрланиб келишга жалб этиши, ўқитувчи ёрдамисиз асарни мустақил ўта олиши учун имкон яратиб бериш лозим.

Ҳар бир ўтилаётган якка тиртибдаги дирижёрлик дарси ҳамма фанлар билан ўзаро боғлиқдир. Сабаби, хона жиҳози яъни, дирижёрлик хиссаларини тушунтирилган панноларни, бастакорларнинг расмлари тасвирий санъатга боғлиқ бўлса, ноталар чўзимидаги саноғиматематикага, асар мазмуни тарихга бастакорлар ҳаёти ва ижоди эса адабиёт фанига боғлиқдир. Дарҳақиқат, мусиқа санъатининг инсон руҳиятини ташқи гўзллигини тарбиялган ҳолда уни ҳаёлотга етаклайди. Шунинг учун ўқитувчи талабага берилаётган мавзуни чуқур ўрганиб, ўзича таҳлил қилиб, сўнгра талаба билан ишлаш ўринли бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, яъни мусиқа санъатининг бошқа фанларга боғлаганимизда талабага ўтилаётган дарс қизиқарлироқ, ўйлантирувчи, уни шахсий фикрларга ундовчи хиссиётларни келтириб чиқаради. Ўқувчи бемалол ўқитувчи билан ҳамкорликда ўз фикрларини баён этади. бу билан янги инновацион технологияларнинг интерфаол усулидан фойдаланиш асослари келиб чиқади.

Дарсларнинг самарадорлигини оширишда ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашларини юксалтиришда буюк аждодларимиз қолдирган бой меросларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Шундай экан, нафақат мусиқа дарсларида, балки ёш авлодни тарбиялаш жараёнида шулардан қўллаш жоиздир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълимни ислох қилиш, мусиқа дарсларини миллий тарбия асосида олиб бориш борасида бир қатор ишлар режалаштирилади. Давлат Таълим Стандартлари асосида маданий меросимизнинг миллий ва умумбашарий қадриятларига таяниб, мусиқий таълимга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, Давлат таълим стандартида белгиланаган миллий маданий меросларимизни аждодлардан-авлодларага ўтиб келатган қадриятларимизни, миллий халқ қўшиқлари ва куйларини ёш авлодга ўргатиш ва уларнинг маънавий онгини шакллантириш муҳим вазифадир.

Комил инсонни шакллантиришда ўқитувчи нималарга эътибор беради. Аввало ўқувчи ёшларнинг мусиқавий истеъдоди, фанга бўлган қизиқиши, чолғу ва ижрочилик, дирижёрлик, қўшиқ куйлаш ва назарий билимларнинг ривожлантиришга эътиборни кучайтириш зарур. Бугунги кунда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда.

Афсуски бу борада ҳозирда биз тайёрлаётган ўқитувчи ёшларнинг аксарияти мусиқа маълумотига эга эмас, шунинг учун Олий таълимда белгиланган талаблар тўлақонли бажарилмаяпти. Маълумки, яхши созанда ва қўшиқ куйлаш учун мусиқа саводига эга, камида 5 йиллик мусиқа мактабини тамомлаган ўқувчи билан эндигина умумтаълим мактабларини тамомлаб, қўлига нота олиб нота асосида куйни ижро этиш ва соз чалишни ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам катта қийинчиликлар келтириб чиқаради. Бугунги кундаги энг долзарб масала ҳам мусиқа дарсларининг сифат ва самарадорлигини оширишда олий ва ўрта махсус маданият ва санъат коллежларининг мусиқа йўналишларига қабул қилинаётган талабалар мусиқа

саводига эга бўлишига, айна биз мақсад қилиб қўйган вазифани яхшиланишига олиб келади.

Шунга қарамасдан олий таълимдаги ўқитувчилар инновацион йўналиш асосида турли хил усуллардан фойдалангани ҳолда дарсларни ташкил этиб, дарсда талабаларга ижро ва чолғу маҳоратларини етказиш орқали, дарс самарадорлигини оширишга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Бунинг учун фақатгина ўқитувчи дарсда берган билим ва малакаларидан, талаба ёшларнинг ўз устида кўпроқ мустақил ишлашлари талаб эилади. Аввало ўқувчи ёшларга билим бераётган ўқитувчи ўз фанининг моҳир устаси, кенг дунёқарашли, ҳар томонлама мукаммал билимга эга янги инновацион технологиялар асосида дарсларни ташкил эта олиш орқали ўқувчига намуна бўла олиш зарур.

Санъатимиз дарғалари Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий каби бастакорларимизнинг мусиқий мерослвримизни ўрганиш, уларнинг инсоний фазилатлаи, устоз-шогирд ўртасидаги муносабатлари, меҳрибон ва талабчан устоз бўлганликлари ҳақида маълумотга эга бўлиш ўқувчилар тарбиясида меҳр-мурувват ҳис-туйғуларини орттиради.

Ёш авлодни жисмонан соғлом, руҳан тетик, ақлан етку қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Бу муаммони ҳал этишда мусиқанинг ўзига хос ўрни бор. Чунки, мусиқа инсонга тез таъсир этувчи, руҳий хиссиётларни ривожлантирувчи воситалардан биридир. Инсон мусиқий оҳанг ва она алласи орқали умрбод мусиқадан завқ ва мадад олади. Буюк мутафаккирларимиздан “Мусиқа инсон руҳини йўлдошидир” деган фикри бежиз эмас.

Таълим-тарбия тизимига назар ташлар эканмиз ўтмиш маърифий меросимизда энг муҳим масала инсон масаласи, уни ҳар томонлама баркамол тарбиялаш ҳамиша долзарб бўлиб келган. Маърифий қадриятларимизнинг муҳим омилларидан иборат таълимий аҳлоқий асарларда инсоннинг ақлий, аҳлоқий такомили, жамиятда эгаллаш лозим бўлган ўрни буюк аждодларимизнинг бир қатор асарларида кўрсатиб ўтилган.

Барчамизга маълумки, юртимиздаги чекка қишлоқларда ҳам бугунги кун замонавий, жаҳон андозаларига мос ҳолда қад кўтарган касб-хунар коллежларида ишга туширилди. Озода, ёруғ ва кенг, хоналарда билим олаётган ўқувчи талабалар учун юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Ўқувчини уйқусини келтирадиган маърузалар керак эмас!”. Биргина мусиқа маданияти фанида ўтказиладиган интерфаол дарслар ёшларда мустақил фикрлашни, оҳангларни тўғри куйлашни, ўз айбини сезишни ўргатади.

Бундай дарслар фақат  қизиқарли эмас, балки, асарда мустақиллик ҳақидаги қўшиқларни ўргатадиган бўлсак, талабаларни Ватан, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қўл келади.

Бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, мусиқада дарслари аввалдан эркин ҳолда ўтилган, чунки физика-математика ёки химия-биология фанларидан ўқувчилар ўзларини  кўпроқ билимга бағишлайди, бу ерда эса улар ўзини худди қўшиқчидай тутади, овозини қўйиб қўшиқ куйлайди, мияси дам олади, қўшиқ мазмунига эътибор беради. Ўқитувчига ноталар ҳақида савол беради, ўқувчилар мустақил мутоола ҳам таҳлил ҳам умумлаштириш ҳам мантиқий хулоса чиқара олиш ҳамда ноталар билан куйлаш кўникмасига эга бўлади.

Давлат таълим стандартида белгиланаганидек, дарс жараёнининг янги усулларидан фойдаланиш, билан бирга мавзуга боғлиқ кўпроқ интелектуал, ўйлантирадиган эркин фикрловчи саволлар қўйиш лозим.

“Ҳар қайси инсонда, - деган эди юртбошимиз, - муайян даражада интелектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан ҳалос бўлади”.

Ушбу фикрлар ҳар бир ўқув масканларида билим бераётган ўқитувчилар зиммасига юксак вазифалар юклайди. Педагоглар дарсларни тўғри шаклланган ҳолда янги дастур ва дарсликлардан фойдаланиб, информацион технологияларни ишлаб чиқишлари зарур.

Модомики техника асри экан, мусиқа маданияти дарсларида ўқитувчилар интернет тизимида кенг фойдаланиши, ДВД, ВСД ва электрон дарслар орқали нота ёзувини ташкиллашлари лозим.

лар астойдил меҳнат билан юқори сифатли билим малакаларни ҳосил қилишлари керак. Шундагина улар таълимнинг ДТС кўрсатмаларига амал қилган ҳолда демоктарлаштириш, халқимизнинг тарихий мероси, анъаналари ва миллий сиёсий тамойилларига таянган ҳолда баркамол шахсни тарбиялаш ишига ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар. Зеро, ўқувчилар фаоллигини таъмин этадиган хатти-ҳаракатларни, интилишларини тўғри йўналтирган ҳолда замонавий дарс ташкил эта олишлари олий бурчлари ҳисобланади.

Таълим муассасаларида ўтиладиган дарсларнинг сифат ва самарадорлигини орттиришда  миллий таълим ва тарбия тизими муҳим роль ўйнайди. Албатта, бу муҳим психологик кечинма, аввалам бор, шу миллатга мансуб ҳар бир шахснинг, қатламларнинг ҳал этиши билан юзага келади, шунингдек Олий таълим муассасалари вакилларининг ҳам.

Мусиқа ўқитиш методикасида инновацион таълимда ҳам миллий тарбия энг муҳим омиллардан бири ҳисобланиб уни юзага келтириш учун, талаба ёшларга таълим бериш жараёнида миллий ҳис-туйғу қоидаларини ўргатиб бориш зарур.

Файласуфлардан бири: “Миллий ҳиссиёт - қаерда миллий ўз-ўзини англаш, одамларнинг маълум бир этник бирликка тегишли  эканлигини ҳис этгандагина мавжуд бўлади”,- деган эди.

Миллий фидойиларгина ўз миллати, касби, мутахассислиги учун қайғуради, ўз устида ишлайди, жонини аямайди. Шунинг учун биз педагоглар ҳар бир қалбда она Ватан, миллат учун хизмат қилиш туйғуси шаклланиши зарурлигини уқтириб боришимиз зарур. Бугунги кун боласига нимани ўргатсангиз шуни қабул қилади, бу дегани ўқитувчи қандай бўлса, ўқувчиси ҳам шу қадар билимга эга бўлиб етишади. Бунинг учун ўқитувчи

педагоглар ўз устида тинмай изланиши, бугунги кун янгиликларини тўла англаши, замонавий технологик усулларини кенг қўллаши ҳамда юксак касбий маҳоратга эга бўлишлари зарур.

Мусиқа дарсини талаб даражасида ўтиш услублари хамма жойда ҳар хил олиб борилади. Авваламбор бошланғич синфлардаги мусиқа дарсини ўқитишда алоҳида эътиборни синфдаги ўқувчиларни саралаб мутахассис ўқитувчи ўқувчиларни қобилиятини ўрганиш билан бошласа мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг учун албатта мусиқа ўқитувчиси миллий чолғу асбобларимиздан қашқар рубоби, дутор, доира каби чолғу асбоблар ёрдамида қўшиқни ўргатиш билан бошлайди. Шу билан бирга синфда 30 нафар ўқувчи бўлса, буларни уч тўрт гуруҳга бўлиб сўнгра ҳар бир гурух билан алоҳида иш олиб бориш керак. Ушбу танланган ўқувчилардан 4 нафар яккахон овозли ўқувчиларни ажратиб уларга белгиланган режадаги қўшиқни яхшилаб сингдириб, сўнгра синф ўқувчиларига ўргатилса, дарсни сифатли чиқишига эришилади. Бундай ташқари қўшиқни ўргатишда миллий чолғу асбоби бўлмаса ўқувчиларни орасидан уч тўрттасини ажратиб чапак чалиш ёрдамида усул бериб қўшиқни ўргатилади.

Бу ўринда синфдаги ўқувчилардан йигитлардан алоҳида, қизлардан алоҳида рақсга мойиллиги борларини танлаб олиниб, бир вақтда ўргатиладиган қўшиқ орқали рақсга  ўрганиш услубини ҳам шакллантириб боради. Бу жараёнларни бажаришда биринчи навбатда ўқувчилар билан овоз созлаш машқларини бажариш алоҳида ўрин тутади.

Ўз-ўзидан маълумки, синфга киришдан тортиб токи дарсни тугатиб чиққунча мусиқа оҳанглари остида дарс олиб борилиши зарур. Синфдаги ўқувчиларини ҳозирги шароитда бирор-бир куй ёки қўшиқ ўргатиш ёки тинглатиш билан машғул этилмаса мақсадга эришиб бўлмайди. Дарс давомида бирор шоирни шеърини ўқитилиб ёки ёдлатиб дарсни якунлаш ҳам мумкин.

Бу дегани мусиқа дарсини сифатли ўтилди дегани эмас. Мактабдаги мусиқа дарсларини ўтадиган мутахассис-ми ёки мутахассис эмасми, бари-бир дарсда ўқитилиш жараёнида бирор чолғу асбобини ўртача бўлса ҳам эгаллаган бўлиши шарт. Шу билан бирга уларда маълум даражада эстетик завқ ва мусиқий ҳиссиёт шаклланиб боради.

Шу ўринда дарснинг кўпроқ қисмини қўшиқ куйлашга ва мусиқа тинглашга ажратилса мақсадга мувофиқ бўлади. Агарда ўқитувчи бирор чолғу асбобида ижро қилишни лекин мутахассичалик бажармаса ҳам маълум даражада қобилиятига яраша ўзлаштириб иш олиб борса, албатта дарс мазмунлироқ ўтади.

Акс ҳолда бу талабларни бажармасдан ўқувчиларни бутун дарс давомида ҳар хил фикрларга чалғиб, шеърхонлик қилиб, бўлар бўлмас ҳар хил гапларни гапириб, уларни фикрини бўзиш ўқувчиларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолларда мусиқа дарслари ўтиладиган бўлса, кам деганда, мутахассис ўқитувчи топилгунча бирор санъат сохасини билган ўқитувчи дарсни ўтгани маъқул. Энди мусиқага оид адабиётларга келсак, хамма бошланғич синфдар учун янги нашрда лотин графикаси бўйича мусиқа дарслиги қўлланмаси етарли деб айтса ҳам бўлади. Булардан фақат фойдаланиш керак.

Бундан ташқари инновацион дарсларда бугунги куннинг энг долзарб мавзуларидан бирига айланган миллий ғоянинг қуйидаги муҳим жиҳатларидан фойдаланиш лозим деб биламан:

- бошланғич ва юқори синфларда ўқувчи ёшларга билим беришда энг аввало ўқитувчи-педагогнинг миллий-маънавий бойлиги юксак даражада бўлиши лозим;
- ўқувчиларга ўргатиладиган қўшиқ қандай мавзуда бўлишидан қатъий назар, аввало уларда одоб-ахлоқ кўникмаларини шакллантириш зарур;
- уларда Ватанни севиш, ҳурмат қилиш, эъзозлаш туйғуларини мужассамлаштириш лозим, ўз ота-оналарини қай даражада севсалар,

Ватанни ҳам, ўқув муассасасини ҳам, устозларини, дўстларини ҳам ҳурмат қилишини ўргатиб бориш;

- ҳар бир дарсда кийиниш маданиятига риоя этишлари муҳимлигини уқтириш;
- мусиқа маданияти дарсида ҳам ўқув қуроллари тўла-тўкис бўлишига эришиш;
- миллий мерос, қадриятлар, анъана ва урф-одатларга ҳурмат билан қараш;
- миллий тарбия анъаналари дарснинг энг Олий мақсади бўлиши зарур.

Инновацион дарс жараёнида мусиқа тилининг элементларини фаол ижросини мустаҳкамлаш-асосий масалалардан биридир. Тинглаш идрокининг ички тасаввурини вужудга келтиришда машқларнинг роли катта. Овоз аппаратининг ишлашидаги физик ҳис-туйғу ҳиссиёти ва ўзини ижросини такрорлаб тинглаш хотирада қолишга катта ёрдам беради. Бошқа томондан интонацион машқлар ички тасаввурларни текширишда хизмат қилади. Ўқитувчи паст-баланд ва аниқ даражалар тасаввурларини яратади. Шунинг учун сольфеджио методикасини олиб боришга катта аҳамият берилади.

Элементар мусиқа назарияси интонацион машқлар учун манбаа ҳисобланади. Ҳар бир дарс учун кўп дарсликларда машқлар берилган. Улар намунали машқларни ташкил қилади, уларга қўшимча киргизиш ҳуқуқи педагогга берилди. Оҳанг аниқ ритм ва чиройли бўлгани учун шаклларни у дарсдан бу дарсга такрорлаш фойдалидир, оралиқ назоратларида ёки якуний назоратларда ўрганилган интонацион машқлар якка сўров тарзида талаб доирасига киради. Дарсларда интонацион шакллар хор тарзида ўрганилади, ноталар номлари билан ижро этилади. Инновацион машғулотлар жараёнида ижро этишда назарий билимларга таяниш кераклигини англаб етиш лозим. Шундан берилган назарий элементлар тузилишларини ижросиз алоҳида шуғулланиб ўрганиш муҳим. Ўқувчилар таниш гаммалар асосида тон ва ярим тон назарий тушунчаларини ва мажор гаммасидаги жойлашувини ўрганишлари керак. Шунингдек, оғзаки жавоб беришни машқ қилиш,

берилган тоналликда у ёки бу поғонани топиши, тоналликда пайдо бўлган белгиларни тушунтириши ва ниҳоят янги гаммани  тузиб бериш керак. Мисол учун ля мажор.

Тезлик ва зеҳнликни ишлаб чиқишда, бундай назарий билим, аккордлар, янги тушунчалар ўрганишда интерваллар тузишда мунтазам равишда ўтказилиш лозим. Аммо оҳангни фикрлаб эшитишдан кўра, талабалар машқлардаги поғоналарини куйлашга интервал ва аккордни тузишга кўп вақт кетказадилар.

Тенглаш қобилиятини лад тоналлик ҳиссиётини мустаҳкамлашда гаммалар поғоналарини бўлиб ва секвенция тоналлигини куйлаш фойдалидир. Гаммалар поғоналарини куйлаш ички таассурот ва ички қобилиятига асосланган. Поғонама-поғона ҳаракат баъзаси бу ўз ичида гаммани куйлаш, бўлиш этапига боғлиқ.

Бу машқларни тузишда тингланган асосий функциялар (T,S,Д) ва ладдаги турғун ва нотурғун поғоналарни ҳис қилишини ўргатиб бориши лозим.Бу жуда муҳим, чунки талабаларни гармоник тинглаш қобилияти ривожланиб боради.Шу тариқа ўқувчиларни тоза ва соф куйлашга ўргатишимиз мумкин.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да, Давлат таълим стандарти талабларида умумтаълим мактабларидаги барча фанлар ўз соҳасининг билимдонлари томонидан ўтишлари шартлиги кўрсатиб берилган.

“Ўқувчи-ёшларга миллий таълим-тарбия беришда,- деган эди юртбошимиз,- уларга азалий, бой меросимиз намуналаридан ўргатиб бориш учун, аввало ўқитувчининг маънавияти юксак бўлиши зарур ҳамда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиши шарт”.  Бундан кўриниб турибдики ҳар бир шахс ўз миллий мансублигини англаган ҳолда, ўзидаги бор ижодий имкониятларини ишга солиб, ёш авлодга таълим-тарбия беришда барча имкониятларидан фойдаланиши лозим.

## 6.Мусиқа маданияти дарсларида болалар дунёқараши ва қизиқишларига эътибор

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида маънавий ва жисмоний соғлом авлодни табиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Инновационавий жараён замирида жисмонан бақувват, маънан етук, дунёқараши онги, тафаккури соғлом, интелектуал салоҳиятли, тиббий маданиятли, соғлом турмуш маданияти шаклланган шахсни тарбиялаш ётади.

Бундай шахсни дунёга келтириш ва тарбиялашда жамиятнинг институтлари масъул бўлиб, ушбу жараённи самарадорлигини таъминлашда улар бевосита ва билвосита иштирок этадилар. Жумладан, оила, маҳалла, боғча, мактаб, академик лицей, олий ва ўрта махсус таълим муасасалари, мактабдан ташқари таълим тизими, соғлиқни сақлаш ва маърифий маданий муассасалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, оммовий ахборот воситалари, матбуот ва бошқалар инновационавий жараёнда ўқитувчилар яхлит тизимни ташкил этади. Албатта соғлом авлод тарбиясида мусиқий педагогни ушбу тизимда ҳар бир бўғинини низом доирасидаги ўз мақсад ва вазифалари бўлиб уларни бажарилишини таъминлашда ўзаро ҳамкорлик тамойилига риоя этилган тақдирда кўзланган мақсадга эришилади.

Шунингдек, ўзаро ҳамкорлик жараёнида қатор мусиқий тамойилларга амал қилиш зарурлиги тақазо этилади. Улар:

- Инновационавий жараён мазмуни, шакл ва методлар мусиқий инновацион ва психологик шарт-шароитлари, омиллари воситаларини ўзаро ҳамкорлик нуқтаи назаридан танлаш;
- Мусиқий педагог инновационавий жараён жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш;
- Мусиқа тарбия шакли, методи ва воситаларининг шахс ёши ва психологик хусусиятларига мослиги;
- сТаълим масканларида инновациона технологияларининг амарадорлигини таъминлашда мусиқавий методик манбалар таъминоти соғлом авлод тарбиясида назария билан амалиётнинг ОАВ янги ахборот технологиясидан унумли фойдаланиш;
- Оила, маҳалла, нодавлат ташкилотлари билан мусиқий таълим муассасалари ҳамкорлигидаги ягона мақсад, соғлом ва маънавий тарбияга табақалашган ёндошув;
- Тарбия жараёнини ташкил этишда якка гуруҳли, жамоавий тадбирлар ўтказиш орқали фаол, бўш вақтини мусиқий таълим тизимида ташкил этиш;
- Мусиқий тарбиявий ишни ташкил этишда ғоявийлик, илмийлик, ҳаётийлик шахсий масъуллик;
- Инновацион технологияга асосланган мусиқий таълим ва тарбия беришда ота-она тарбияси, мусиқа ўқитувчиси, жамоатчиликнинг тарбиявий-таълимий иши ҳар бир объектнинг фаол иштирокини таъминлаш;
- Соғлом авлод тарбиясида ижтимоий эҳтиёж, оила аъзоларининг талаблари минтақа ва худудини манфаатларини инобатга олган ҳолда тарбияга яхлит ёндошиш;
- Мусиқий тарбия жараёнини умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклигида ташкил этишдан иборатдир.

Мусиқий тарбияда инновацион технологияларнинг мазмунини мукаммаллиги, ахборотлар ишончлилиги, назарий билимларнинг (ахборотлар) амалиётидаги қиммати, фан техника тараққиёти ютуқлари асосида таълим-тарбия жараёнининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, тарбиялашнинг, самарали услублари, шакл метод ва воситаларини кенг қўллаш натижалар самарадорлиги омилидир.

Соғлом авлод тарбиясида давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини таъминлаш билан бир қаторда фанлараро ва ўзаро таъсирга ҳам алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Айниқса, таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларини ўрганишда, нодавлат ташкилотлари оила ва маҳалла ҳамкорлигида ўтказиладиган тадбирларни уюштиришда мазмун ранг-баранлиги, таъсирчанлиги муҳим роль ўйнайди. Жумладан, ташкил этиладиган тарбиявий ишлар мазмун маънавиятимизнинг қадимий бой намуналари, бугунги кундаги ривожланиш босқичлари замирида шакллантирилмоғи зарур.

Ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда мусақа маданиятининг ёшлар ўртасида  Ватанга муҳаббат, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, ўз соғлиғига ўзи масъуллик билан ёндошиш, миллий қадриятларимизга нисбатан хурмат ҳиссини тарбиялашга қаратилмоғи лозим.

Ота-оналар, оила, маҳалла ва мутасадди нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказиладиган конфренция, семинар, давра суҳбати, учрашув саёхат, бахс-мунозара ва бошқа тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини уларни маълум бир мақсадга йўналтирилганлиги, мазмунннинг ёшлар онги ва қалбига мослиги, замонавий педагоги технология асосида ташкил этилиш мусиқа ўқитувчисининг билим савияси тайёргарлиги ва тажрибасисга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Мусиқа таълими ташкилотлари оила ва маҳалла ҳамкорлигида амалга ошириладиган таълимий-тарбитявий ишлар изчил узвий ва

узлуксиз амалга ошириладиган ислохотларнинг бош омилидир. Маънавий соғлом шахс тарбиясида “юртбошимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига бошқа диний гурухларга нисбатан хурмат эхтиром ва бағри кенглик руҳида ьтарбиялашжамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик ўзаро меҳр оқибат муҳити мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш бугунги куннинг муҳми талабидир”.

Маънавий бой олам сирларини, инсон туйғуларини англамайдиган, ўз шахсий фикрларига эга бшлмаган шахсни шакллантириш кўпгина омилларга боғлиқ. Таълим-тарбия тизимида Давлат таълим стандартларининг жорий этилиши туб ўзгаришларини юзага келтиради, жумладан, кадрларни тайёрлаш сифатига эътибор, таълим мазмунидаги талаблар, шунингдек, ўқув соатлари хажмининг қисқариши, янги ўқув дастурининг яратилиши, таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш таркибининг ишлаб чиқилишини шулар жумласидандир.

Ўқувчи ёшларнинг ўз устозларидан оладиган билим, кўникма, малака ҳамда маънавий сифатлари ДТС да яққол белгилаб берилган. Таълим тизимида узлуксиз тамойилига амал қилаётган ҳар бир педагоглар ДТС ўзларига маёқ қилиб олишлари зарур. ДТС нинг бош мезони – бу таянч ўқув режасидир. Бунда асосий эътиборини ўзбекистон Республикасининг мафкураси, халқимизнинг асрий урф-одатларига қаратиш лозим. “Маънавият халқнинг, жамиятнинг, миллатнинг қудратидир”- деган эди юртбошимиз. Аввало ўқитувчиларнинг дунёқарашлари мукаммал кенг қамровли бўлиши зарур, шундагина дарслар самарадорлиги ортади. Барча педагоглар таълимнинг амалга оширишлари, ўқувчи ёшлар билимларини адолатли баҳолаш ҳамда уларни рағбатлантириб боришлари зарур.

Таълим муассасаларида дарс бераётган барча ўқувчичлар юксак илмий салоҳият эгаси, манъавий баркамол, етук мутахасссис бўлишлари билан бирга, уларда одоб-ахлоқ меъёрлари етарли бўлса, тажриба синов усулларидан унумли фойдаланса муаммолар ўз ечимини топаверади.

“Ўқитувчи, - деган эди юртбошимиз, болаларимизга замонавий билим берсин, аммо бунинг учун аввало ўқитувчиларнинг ўзлри ана шундай билимга эга бўлмоқлари керак”.

Шунинг учун ҳам ДТС талаблари даражасидаги замонавий дарсларни ташкил этишда, дарснинг ноанъанавий усуллари дискуссия дарслари, семинар ва темтик ўйинлар ўқувчи ёшларнинг қизиқиши ва иқтидорларидан келиб чиқиб, интерфаол ўйин дарсларини ташкил этиш лозим. Маънавий дунёқарашнинг ортиб бориши учун буюк аждодларимизнинг тарихий асарлари қўл келади, инсонийлик туйғулари юксак даражада акс эттирилган. Ўқитувчи тинимсиз изланиш меҳнат баробарида ўқувчи ёшларни нималарга қизиқишига эътиборини жалб этиш билан бирга ҳар бир дарсни синов дастури бўйича амалага ошриши керак. Чунки, ўқитувчини ўқувчи диққат билан кузатади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида таълм тизимида рўй бераётган ўзгаришлар умумий ўрта таълим предметининг ўқитилишини ҳам тубдан янгилашни талаб этмоқда.

Ўзбекистоннинг “Таълим тўғрисида”ги қонунига кўра 9 йиллик умумий ўрта таълим жорий этилди. Таълимни демократлаштириш, индивидуаллаштириш, миллий истиқлол ғояси, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиш тамойиллари аосида барча ўқув предметлар, шу жумладан мусиқа предмети бўйича ҳам ўқитиш концепцияси ишлаб чиқилди.

Мусиқа маданияти ўқув предмети ўқувчиларнинг маънавий, бадиий ва аҳлоқий маданиятини шакллантиришга миллий ғурур ва автанпарварлик тарбияси амалга оширишга ижодий маҳорат, нафосат ва бадиий дидни ўстиришга, фикр доирасини кенгайтиришга, мустақиллик ва ташаббускорликни тарбиялашга хизмат қилади. Мусиқа маланияти ўқув предмети умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган барча ўқув предметлари билан узвий боғлиқдир.

Барча ўқув фанлари қатори мусиқий таълимда ҳам давлат таълим стандартларининг жорий этилиши миллий мусиқий мерослардан тўлақонли фойдаланиш имконини беради. Булар оммавий халқ куй ва қўшиқларида хонанда ва созандларнинг ижодий фаолиятлари мақом, шашмақом, достонлар ва бугунги замонавий мусиқий фаолиятда ўз аксини топди. Мусиқа санъатининг бу каби имкониятлари янги авлодни тарбиялашда уларанинг баркамол бўлиб етишишларида ўзига хос такрорланмас манба бўлиб хизмат қилади.

Давлат таълим стандартлари, миллий истиқлол ғояси оммавий халқ мусиқа инновацион аси профессионал мусиқа ижодкорлари, мусиқа ижрочилари (созанда, хонандалар) катта ашулачилар, достончилар асарнинг элементар асосларини ўргатишни меъёрлаштиради.

Мусиқа таълимидан давлат таълим стандартлари асосида янги таълим мазмуни ўқувчиларнинг мусиқий билим ва малакалари билан бирга уларда кузатувчанлик, хотирани мустаҳкамлаш, образли тасаввур қилиш уларда ижодкорлик, мустақиллик, бадиий ва мусиқий дид каби хислатларни ривожлантиришни таъминлайди.

Шу боис мусиқа маданияти таълимининг  янги мазмуни ёш авлодни миллий, мусиқий меросимизда ворислик қила оладиган маданияти таълимининг янги мазмуни ёш авлодни миллий мусиқий меросимизга ворислик қила оладиган умумбашарий мусиқа  бойлигини идрок эта оладиган маданиятли инсон даражасида вояга етказишни назарда тутади. Бунда ўқувчичлар мусиқа санъатини бутун нафосати билан ўрганишлари оммавий мусиқа фаолиятлари: мусиқани бадиий идрок этиш, якка ва жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш асосий мақсад ҳисобланади.

1-ilova




Vizual




2-ilova

ilova


Ko‘rgazma qurollarini tayyorlash va h.k.
Darsda va uyda beriladigan misol masalalarni echib chiqish
Har bir bosqichga sarflanadigan vaqtni aniqlash
Dars o‘tish metodlarini aniqlash
O‘quv dasturida va o‘quvchi rejasida darsning o‘rnini aniqlash.
O‘qituvchining darsga tayyorgarligi
Dars ishlanmasini yozish

## 9. IV.Инновацион технологиялар блоки бўйича саволлар

1.Педагогик технология тушунчаси келиб чиқиши ва таърифи.

*Технология тушунчаси техникавий тараккиёт билан боглик холда фанга 1972 йилда кириб келди ва юнонча икки суздан-технос (technt)- санъат, хунар ва логос (logos) - фан, таълимот сўзларидан ташкил топиб хунар фани маъносини англатади.*

*«Таълим технологияси – таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида, инсон ва техника ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қуллаш ва аниқлаш тизимидир».*

2.Ўқитувчининг инновацион фаолияти.

*Педагогнинг инновацион фаолияти - ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш. Ушбу режани амалга ошириш ва таҳлил қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.*

*Педагогик инновацияда “янги” тушунчаси марказий ҳисобланиб, педагогик фанда - хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади.*

*Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади. Янгилик - бу восита, янги метод, методика, технология ва бошқ.*

*“Инновация” - бу таълим; маълум босқичлари бўйича ривожланадиган жараён.*

3.Фаол ўқитиш усуллари ва уларни ўқитиш жараёнига қўллаш.

*Фаол ўқитиш методларини танлаш.*

*Таълим технология элементларини танлаш ва амалга оширишда талабаларнинг ўқув билиш фаолиятларини эътиборга олиш лозим. Амалиётдаги оддий қоида шу ҳақда гувоҳлик берадики, назарий дарснинг дастлабки 20 дақиқасида талабаларга янги билимларни бериш амалга оширилади, кейин эса баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа шу каби ноанъанавий методларни амалга ошириш орқали берилган билим мустаҳкамланиши лозим.*

*Ҳар қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида, масалан фақат маъруза ўқиладиган вақт 20 дақиқадан ошмаслиги керак.*

*Чунки ўрганишнинг дастлабки 20 дақиқаси энг самарали, 30 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлайди.Бу ҳамма таклифлар талабанинг диққатини узоқроқ вақтгача сақлаб туришга хизмат қилади.*

4.Ўқитишнинг интерфаол усуллари, уларнинг хусусиятлари ва қўллаш методикаси

***“Тармоқлар”*** *методи – талабани мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишни ўргатишга қаратилган.*

***“3х4” методи*** *– талабаларни эркин фикрлаш, кенг доирада турли ғояларни бера олиши, таълим жараёнида якка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб, ҳулоса чиқара олиши, таъриф бера олишига қаратилган.*

***“Блиц-ўйин” методи*** *– ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратил -ган.*

***“Интервью” техникаси*** *– талабани савол бериш, эшита олиш, тўғри жавоб бериш, саволни тўғри тузишни ўргатишга қаратилган.*

***“Иерархия” техникаси*** *– оддийгина ўқитиш усулларини қўллаш орқали уларни мантиқий, танқидий, ижодий фикрлашга ўргатишга қаратилган.*

***“Бумеранг” техникаси*** *– ўқитувчи талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча талабаларни баҳолай олишга қаратилган.*

***“Талаба” тренинги*** *– талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тўсиқни йўқ қилиш, ҳамкорликда ишлаш йўлларини ўргатишга қаратилган.*

***“Мулоқот” техникаси -*** *аудитория диққатини ўзига жалб этиш, дарс жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.*

***“Бошқарув” техникаси*** *ўқитувчиларни аудиторияни бошқариш ҳамда талабаларни иш жараёнида бошқариш усуллари билан таништирувчи ва шунга ўргатишга қаратилган.*

5.Лойиҳавий ўқитиш технологиялари.

*Замонавий таълимдаги инновацион жараёнлар анъанавий ўқитишни продуктив ўқитишга айлантириш йўлларини излашдан иборат. У ишлаб чиқариш ва инсонларнинг ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган натижа, маҳсулот олиш учун ўқувчиларнинг фаол ижодий, тадқиқий фаолиятини ташкил қилишга асосланган.*

*Продуктив ўқитишнинг мақсади мутахассисни ижтимоий-тарихий ва бунёдкорлик жараёнининг субъекти сифатида тайёрлашдир. Мутахасис уни ўраб турган муҳитга оддийгина сингиб кетмасдан, балки ўқитиш жараёнида олинган турли хилдаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш муаммоларини ечиш тажрибасидан унумли фойдаланиши лозим. Продуктив ўқитишнинг моҳияти ўқув жараёнининг мантиғини ўзгартиришдан иборат. Анъанавий ўқитиш жараёни ўрганувчи тафаккурининг назариядан амалиётга харакатидан иборат. Продуктив ўқитиш эса бошқачароқ мантиқ билан қурилади: амалиётдан – ўрганишга, ўқишга.*

6.Компьютерли ўқитиш технологиялари.

*Компьютерли ўқитиш технологиялари ўқитувчини машаққатли муаммолардан озод қилиш билан бирга, унга ўқувчилар билан бирга ижодий мунозара қилиш, биргаликда тадқиқот қилиш, ўқитишнинг янги шаклларига, бир сўз билан айтганда кўпроқ ижодий ишга ўтишга имкон беради.*

*Компьютер бизга қуйидаги имкониятлар беради:*

- *интерфаоллик;*
- *мультимедиа;*
- *моделлаштириш;*
- *коммуникативлик;*
- *унумдорлик*

*Ўқув жараёнида бир вақтнинг ўзида педагог ва компьютернинг иштироки таълим сифатини анча оширади. Таклиф қилинган методикадан фойдаланиш дарс бериш жараёнини фаоллаштиради, талабаларнинг ўқитилаётган фанга қизиқишларини орттиради ва ўқув материалини чуқур ўзлаштиришга имкон беради. Компьютер ва педагог ҳамкорлиги бир томондан турли тоифадаги талабаларга ўқув материалини яхшироқ тушуниб олишларига ёрдам беради. Бошқа томондан у ўқитувчи малакаси ва тайёргарлик даражасига анча юқори талаблар қўяди. Энди у нафақат анъанавий ўқитиш усулларини эгаллаши, балки ўрганувчиларнинг хусусиятига қараб, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиб уларни модернизация қила олиши лозим бўлади.*

7.Интернет тармоғида ўқитиш.

*Интернет ҳозирги кунда ахборот технологиялари тизимининг ажралмас қисми бўлиб, ундаги асосий бўғин бу ўзаро бир-бири билан боғланган компьютерлардир. Компьютерлар алоқа воситаларидан фарқли ўлароқ, фойдаланувчига маълумотни кўриш, ўқиш ва эшитиш асосида маълумотдан унумли фойдаланишга имкон яратади. Бундан ташқари унда маълумотни узатиш, қабул қилиш тезлиги ўта юқори бўлади.*

*Охирги йигирма йилликда таълим тизими ишида юзага келган вазиятда, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини такомиллаштириш ва замонавийлаштириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Лекин, ўқув жараёнининг амалиётига арзонлиги учун ҳаммабоб, локал тармоққа уланган ва шунинг учун дунё миқёсдаги (глобал) Internet тармоғига кириш имкони бўлган шахсий компьютерларнинг жорий қилиниши, бу ишларни янада жадаллаштирди. Ўрта маълумотни кўпинча "компьютер"лаштиришга ва "интернет"лаштиришга асосланган, замонавийлаштириш дастурини муваффақиятли амалга ошириш учун, на фақат ўқув масканлари замонавий техника воситалари билан таъминланмоғи, балки таълим тизимининг ташкилотчилари ва педагоглари ҳам бу соҳада етарли билимга эга бўлишлари керак.*

8.Кичик гуруҳларда ишлаш.

*Кичик гуруҳларда ишлаш талабаларнинг дарсда фаоллигини таъминлайди, ҳар бири учун мунозарада қатнашиш ҳуқуқини беради, бир-биридан ўрганиш имкони туғилади, бошқалар фикрини қадрлашга ўргатади.*

*Қўлланиш усули.*

*Фаолиятни танлаш. Мавзуга оид муаммо шундай танланадики, натижада талабалар уни ўрганиш (бажариш) учун ижодий фаолият кўрсатишлари зарур бўлади ва вазифалар белгилаб олинади.*

*Зарурий асос яратиш. Талабалар кичик гуруҳ ишида қатнашишлари учун танланган фаолият бўйича баъзи билим, кўникма ва малакаларни олдиндан эгаллаган бўлишлари керак.*

*Гуруҳни шакллантириш. Одатда хар бир гуруҳда 3-5 талаба бўлади (эҳтимол, кам ёки кўп бўлиши мумкин). Агар гуруҳда ишлаш у ёки бу ёзма хужжат тайёрлашни талаб этса, яхшиси 2-3 кишили гуруҳ тузилгани маъқул. Гуруҳ ўлчови масаланинг муҳимлиги, аудиториядаги талабалар сони, талабаларнинг бир-бири билан конструктив ҳолатда ўзаро ҳаракатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Энг яхшиси, "гетероген" гуруҳ ташкил этишидир*

*(жинси, ўзлаштириш даражаси ва бошқа белгилар асосида). Гуруҳда ишлаш талабалар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга таянади (мисол учун, бир талаба мунозарани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спикер (сардор) ролини ўтайди ва ҳоказо). Аудиторияни гуруҳларга ажратиш, ҳохиш бўйича ёки ҳисоб бўйича амалга оширилади.*

9.Талабаларнинг ўқув-тадқиқот ишини ташкил этиш усуллари.

*Курс ишлари – юқори малакали мухандисларни тайёрлашда, билимларни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва умумлаштириш, бу билимларни аниқ вазифаларини хал этишда қўллай олиш малакасини хосил қилишда, талабаларда , режаларни, ҳисоботларни, зарур чизмаларини, услубий тавсияларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқув машғулотларининг шаклларидан бири бўлиб, ўқув тадқиқот характерига эга. Курс ишлари умуммуҳандислик кафедраларида бошланиб, Мутахассислик кафедраларида такомиллаштирилади.*

*Курс ишларининг ёзиш тартиби, тадқиқот ишларини убштириш йўллари, ҳажми ва уни безаш, қандай махсус ҳамда қўшимча адабиётлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар кафедралар томонидан тузилади. Кафедра курс иши ёзаётган талабаларга консултациялар, услубий ва амалий маслаҳат бериб турадиган раҳбар ўқитувчини ҳам бириктириб қўяди.*

*Агар бир курс иши кафедра ўқитувчилари томонидан тақриз қилинади, сўнгра ҳимоя қилишга тавсия этилади.*

*Назорат ишлари – асосан сиртқи факултет талаблари учун мўлжалланган бўлиб, уларни мустақил таълим олишга, ўз устида мунтазам ишлашга ундайдиган, йўналтирадиган ўқув-тадқиқот машғулотларни шаклларидан бири ҳисобланади. Назорат ишларининг мавзулари, топшириқлари кафедралар томонидан ишлаб чиқилади. Бу иш сессиялар ўртасида ёғзилади ва сессиялар бошланишидан бир ой олдин сиртқи бўлимга топширилади.*

*Назорат ишларининг курс ишидан асосий фарқи шундаки, кўпроқ амалий характерга эга бўлади. Назорат ишлари ҳажм жиҳатдан ҳам кичикроқ бўлади. Назорат ишларини кафедра ўқитувчилари ўқиб чиқиб, тақриз ёзади ва баҳоланади.*

*Диплом ишлари – университетда олинган таълимнинг сўнгги босқичи ҳисобланади. Бакалавриятда, касбий таълим дастурлари бажарилгач, малакавий битирув ишини ёқлаш ҳам ўз ичига олган якуний давлат аттестацияси билан томомланади.*

*Диплом ишларининг мазмунлари кафедралар томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Диплом иши талабанинг мустақил илмий ёки ижодий иш ҳисобланади. У техника ва технологиянинг тарихи, назарияси ва тавсия этиладиган долзарб муаммоларга бағишланган бўлиб, ишлаб чиқаришга қўлланиладиган янги услублар, технологиялар ва техникаларни тақдим этиши зарур.*

*Диплом ишлари давлат имтиҳон комиссиясининг йиғилишида ҳимоя қилинади. Ундан қониқарсиз баҳо олган талаба ўқишни тугатган ҳисобланмайди ва университетни тамомлагани тўғрисида унга диплом берилмайди. Талабага диплом ишини қайта ҳимоя қилишга бир йилдан сўнг рухсат берилади.*

*Консултация – университетдаги ўқув машғулотларининг шаклларидан бири бўлиб, турли назарий фанлардан маърузалар ўқиб бўлингач ташкил этилади. Консултация ўтказишдан мақсад талабалар маърузалар, амалий машғулотлар даврида яхши ўзлаштрмаган таърифлар, қоидалар ва айрим мавзуларни қисқача такрорлаш, қайта тушунтириш, баъзи масалаларни уларнинг ёдига тушириш, эслатиш, билимларни бойитиш, назоратлардан муваффақиятли ўтишга тайёрлашдан иборатдир.*

## 10.Ижодий топшириқлар ва уларни қўллаш методикаси.

*Репродуктив кўникмалардан изланувчан (ижодий) кўникмаларни шакллантиришга қандай ўтиш мумкин? Инглиз дидакти А.Ромишовски қуйидаги вариантни таклиф этади:*

*1) керакли билимларни етказиш;*

*2) репродуктив даражадаги кўникмаларни шакллантириш; а) фаолиятни яхлитлигича ва қисмларга бўлиб кўрсатиш (кўрсатиш+тушунтириш), б) кўникмаларни соддалаштирилган шароитда ўзлаштириш (масала шартини сунъий соддалаштириш, уни айрим қисмларга ажратиш), в) узлуксиз қайтувчан алоқа ва ижобий мустаҳкамлашга асосланган мустақил ишни ташкил этиш;*

*3) изланувчан яратувчанлик фазасига ўтиш: а) турли хил муаммоли вазиятларни - ностандарт мисолларни ечиш, англатувчи (имитицион) моделлаш, б) талабаларнинг ўз фаолиятларини ўзлари албатта таҳлил қилишлари, уни ўқитувчи билан мулоҳаза қилиш.*

*Мисол тариқасида геометриядан теоремани исбот қилишни келтириш мумкин. Ўқитувчи мулоҳазанинг асосий усулларини тушунтиради (1-қадам), уларни бир неча мисолларда кўрсатади (2а-қадам), берилган*

*катталиклардан фойдаланиб осонроқ йўл билан исботлашга (2б-қадам), сўнгра қийинроқ йўл билан исботлашга оид машқлар ечади (2в-қадам). Сўнгра талабаларга исботлаш учун ностандарт масалалар берилади ва улар кичик гурухларга бўлиниб, ёки ёзув тахтасида ишлайдилар (3а-қадам).*

*Ўқувчиларни бир вақтни ўзида берилганларни исботлаш бўйича дастлабки фикрларини, танлаган ечим усулини, исботлашнинг боришини овоз чиқариб гапирадилар, ўз усулининг самарадорлигини ўзлари баҳолайдилар, уни қайта кўриб чиқадилар, тенг кучли ижодий ёндашишларни излайдилар (3-қадам).*

## 11.Масофавий ўқитиш технологиялари

*Юқоридагиларга асосланиб, таълим жараёнида айни вақтда қайта-қайта тилга олинаётган айрим терминлар тавсифи ва таърифларни келтириб ўтамиз:*

****Масофавий таълим** - масофавий ўқитишга асосланган таълим;*

****Масофавий ўқитиш** – ўзаро маълум бир масофада Интернет технология ёки бошқа интерактив усуллар ва барча ўқув жараёнлари компонентлари – мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакллар ва ўқитиш усулларига асосланган талаба ва ўқитувчи ўртасидаги муносабат;*

****Масофавий ўқитиш тизими** – масофавий ўқитиш шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиш тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиш тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга;*

****Масофавий ўқитишнингИнновацион технологиялари** – танланган ўқитиш концепциясига асосланган масофавий таълимнинг ўқув-тарбиявий жараёнини таъминловчи ўқитиш методи ва услублар мажмуаси;*

****Кейс-технология** – масофавий ўқитишни ташкил қилишнинг шундай услубики, масофавий таълимда матнли, аудиовизуал ва мультимедиали (кейс) ўқув услубий материаллар мажмуаси қўлланишга асосланади;*

****ТВ-технология** – масофавий ўқитишни ташкил қилишнинг шундай услубики, у талабаларга ўқув-методик маълумотларни телевидение воситаси ёрдамида етказишга хизмат қилади ва ташқи алоқали ихтиёрий интерактив усуллардан бири билан ўрнатишга асосланади.*

*Масофавий ўқитишнинг таълим тизимида бир-биридан фарқланувчи модел ва шакллари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги қўлланиш шартлари билан фарқланадилар:*

**географик шартлар (масалан, мамлакат территорияси, марказдан узоқликда жойлашуви, иқлими);*

**мамлакатнинг ахборотлашуви ва компьютерлаштириш умумий даражаси;*

**коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси;*

**таълим жараёнида ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг қўлланиш даражаси;*

**таълимда қўлланиладиган анъаналари;*

**масофавий ўқитиш тизими учун илмий педагог кадрлар мавжудлиги ва уларнинг салоҳияти ва бошқалар.*

12.Турли сатҳли ўқитиш: тушунча ва қўллаш методикаси

*Шахсга йўналтирилган технологиялар ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишга, яъни ҳар бир ўқувчига муайян билимлар, малака ва кўникмаларни ҳисобга олган ҳолда, ўқитишда дифференциал ёндашувга, шунингдек ўқитишнинг муваффақиятлилик даражасини нафақат белгилайди, лекин ўқув фаолиятни рағбатлантирган ҳолда, ўқувчиларга тарбиявий таъсирни кўрсатадиган мезонларга мўлжалланган.*

*Турли даражада ўқитиш ҳар бир ўқувчига потенциал қобилиятларини ривожлантириш имкониятини яратиш учун зарурдир.*

*Педагогик адабиётда ички ва ташқи дифференциация тушунчаларга ажратилади. Ички дифференциация – бу ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятлари синфда ўқув фаолиятини ташкил этиш шароитларида ҳисобга олинадиган ўқув жараённи ташкил этади. Синфда ихтиёрий белгилар бўйича, кўп ҳолларда ўқимишлилик даражаси бўйича, яъни ўқув материални осон ва тез ўзлаштиришга кўра ўқувчилар гуруҳи тузилади. Ташқи дифференциация – билиш даражаси турлича бўлган ўқувчиларнинг қобилиятларини (ёки қобилиятсизларини) ҳисобга олган ҳолда, лойиҳалаштирилаётган касб, қизиқишлар бўйича ўқув гуруҳларга махсус бирлаштириладиган ўқув жараённи ташкил этади. Бунга фанларни чуқур ўқитиш синфлари, ўқитишнинг ўрнини босадиган профилли, факультатив машғулотлар киради. Ўқитишнинг дифференциацияси бугунги кунда ўқув жараёнга фаол киритилмоқда.*

13.Жамоали ўзаро ўқтиш технологиялари

*Бу усул 1918 йилда пайдо бўлган. Педагог Рибин педагогик тажриба ўтказди. Талабалар билан индивидуал ва жуфт-жуфт бўлиб ишлар эдилар: Масала ечар эдилар, конспект қилишарди, китоблардан реферат қилишарди,*

*шеърлар ёдлашарди, маърузалар эшитишарди, бир-бирлари ва ўқитувчи олдида ҳисобот беришарди.*

*Бу давр мобайнида ҳар бир талаба 3-4 йиллик ўқув курсини ўзлаштирди. Бунда талабаларнинг ривожланиши ҳайратли даражада юқори эди. Ривожланмаган қишлоқ ўсмирлари 1 йилдан сўнг, мантиқли фикрлайдиган, исботлай оладиган, мунозара қила оладиган, мураккаб матнларни таҳлил қила оладиган, ҳаттоки педагогик қобилиятини намоён қила оладиган даражага етди. Бу қишлоқда 3 та кашфиёт қилинди:*

**1-марта маҳаллий ва ҳорижий педагогикада йил давомида интенсив равишда ўқув фаолият амалга оширилди. Унда ўзгарувчан жуфтлик ва микро гуруҳ бўлиб, иш олиб боришди.*

**Ўқув тарбиявий ишнинг янги технологияси ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди.*

**1-марта турли ёшдаги бир-бирини ўқитадиган ўқув жамоаси тузилди.*

*Ўқитишнинг бундай усули замондошлар томонидан яхши қабул қилинмади***.**

14.Ҳамкорлик технологияси

*Узлуксиз таълимниг қандай турларида ҳамкорликдаги ўқитишлардан фойдаланиш мумкин ва нима учун?*

*Ҳамкорликда ўрганиш - талабаларнинг билимини ўзлаштириш, сингдириш, мустаҳкамлаш бўйича репродуктив фаолиятини таъминловчи, маҳорат ва малакани кетма-кетлик бўйича талабанинг бевосита бошчилигида ишга солишни ташкил этишга асосланган ўқитиш ва билим олишдир. У талабаларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган методлардан иборат. Буларга китоб билан ишлаш, ўқув суҳбати, давра суҳбати, ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара каби методларни киритиш мумкин.*

*Ҳамкорлик – деганда ўқув жараёни қатнашчиларининг ягона мақсадга эришиш йўлидаги ҳамкорликдаги фаолияти тушунилади. Бунда қуйидаги 3 та компонента бўлиши зарур:*

*1.Мақсадларнинг борлигини аниқ англаб етиш;*

*2.Ҳамкорлик қилаётган томонларнинг фаолиятини аниқ белгилаб, чегаралаб бериш;*

*3.Қўйилган мақсадга эришишни таъминловчи вазифаларни ечишда ўзаро ёрдам бериш.*

15.Модулли ўқитиш технологияси

*Ўқитувчи томонидан фаннинг қатор мвзуларини бирлаштирувчи бўлимларга (модулларга) ажратиши бўлиб, одатда фан 10-15 та бўлаклардан иборат бўлади ва энг оддий ҳолларда дарсликнинг бобларига мос тушиши мумкин. Ҳар бир таълим олувчи ҳар қайси модул юзасидан изчил йўл-йўриқ олади. Унда модулнинг мақсадлари кўрсатилади. Ўқув ишларининг маълум турдаги тавсия қилинади.Модул бўйича мустақил иш топшириқлари келтирилади. Таълим олувчилар томонидан ўқув фаолияти турлари эркин танланади ва модул бўйича алоҳида синов ўтказилади. Модулли ўқити таълим беришнинг истиқболли шаклларидан бири бўлиб, у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.*

16.Ўйин технологиялари ва уларни ўқиш жараёнида қўллаш

*Меҳнат ва ўқиш билан бир қаторда ўйин ҳам инсон фаолиятининг энг асосий турларидан биридир. Ўйиннинг структураси ўз ичига қуйидаги босқичларни олади:*

**мақсадларни қўйиш;*

**режалаштириш;*

**амалга ошириш (мақсадни);*

**натижани таҳлил қилиш.*

*Ўйинли фаолиятнинг мотивацияси энг ихтиёрийлиги, танлаш имконияти ва мусобақа элементларининг борлиги, эҳтиёжларни қондириш, ўзини англаш ва ўзини сафарбар қилиш билан таъминланади.*

*Ўйин струтурасига қуйидаги жараёнлар киради:*

**ўйинчилар ўзларига олган роллар;*

**бу ролларни амалга ошириш воситалар сифатидаги ўйинли омиллар;*

**предметларнинг ўйинли қўлланилиши, яъни, ҳақиқий нарсаларни ўйинли шартлари билан алмаштириш;*

*ўйинчилар орасидаги реал муносабатлар,*

*Сюжет (мазмун) - ўйинда кўрсатилаётган ҳақиқий аҳвол.*

17.Муаммоли ўқитиш технологиялари

*Таълим беришнинг энг самарали усулларидан бўлиб, у асосан илмий билимлар асосида муаммоли вазиятлар мантиқини шакллантиради. Унда ўқитувчи аввало муаммоли вазият яратади, саволлар қўяди, масалаларни, тажриба топшириқларини таклиф қилади, уларни ечишга қаратилган мухокамани уюштиради, хулосаларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Таълим*

*олувчилар олдинги билим ва кўникмаларига асосланиб, муаммоли вазиятни ҳал қилиш йўлларини қидирадилар ва таклифлар киритадилар. Ҳодисалар сабабларини аниқлаган ҳолда уларни келиб чиқишини тушунтирадилар, муаммоли вазиятни ечишнинг энг оқилона вариантини танлайдилар. Бу усул таълим олувчиларнинг қизиқишини оширади, фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.*

18.Замонавий ахборот-коммуникация технологиялар муҳитида ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро ҳамкорлик шакллари

***Видеоконференция*** *– бу шундай компьютер технологиясики, у орқали фойдаланувчи шахслар бир-бирларини реал вақтда кўради, эшитади ва маълумотлар билан алмашади.*

*Видеоконференция тарихи 1964 йил AT&T компанияси томонидан ишлаб чиқилган Videophone (реал вақтда овоз ва тасвирни алмашиш) қурилмасидан бошланади.*

*Видеоконференция ўтказиш учун асосан иккита шартни бажариш лозим:*

*а) видеоконференцияни амалга ошириш учун зарур бўлган компьютер (техник) қурилмалари;*

*б) видеоконференцияни ўтказиш талабига жавоб берувчи алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда, мулоқотга чиқувчилар билан боғланиш.*

***Масофавий ўқитиш*** *– ўзаро маълум бир масофада Интернет технология ёки бошқа интерактив усуллар ва барча ўқув жараёнлари компонентлари – мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакллар ва ўқитиш усулларига асосланган талаба ва ўқитувчи ўртасидаги муносабат.*

***Масофавий ўқитиш тизими*** *– масофавий ўқитиш шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиш тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиш тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга.*

***Масофавий ўқитишнингИнновацион технологиялари*** *– танланган ўқитиш концепциясига асосланган масофавий таълимнинг ўқув-тарбиявий жараёнини таъминловчи ўқитиш методи ва услублар мажмуаси.*

***Кейс-технология*** *– масофавий ўқитишни ташкил қилишнинг шундай услубики, масофавий таълимда матнли, аудиовизуал ва мультимедиали (кейс) ўқув услубий материаллар мажмуаси қўлланишга асосланади.*

***ТВ-технология (медиа таълим)*** *– масофавий ўқитишни ташкил қилишнинг шундай услубики, у талабаларга ўқув-методик маълумотларни телевидение воситаси ёрдамида етказишга хизмат қилади ва ташқи*

*алоқали ихтиёрий интерактив усуллардан бири билан ўрнатишга асосланади.*

19. «Думалоқ стол» усулини қўллаш методикаси

*Биринчи босқич. Гуруҳ ўриндиқларга доира бўйича ўтириб олишади. Ўқитувчи муаммони ёки савол ифода этади.*

*Иккинчи босқич. Белгиланган вақт мобайнида (масалан 10 минут) ҳар бир ўқувчи индивидуал равишда қўйилган муаммони ечиш йўлларини ёзиб олади.*

*Учинчи босқич. Айлана бўйича ҳар бир ўқувчи ўзининг таклифларини баён қилади. Гуруҳнинг қолган аъзолари унинг фикрини изоҳламай, танқид қилмай, жим эшитишади ва ҳар бир банд бўйича таклифни умумий қарорга киритиш ёки киритмаслик ҳақида овоз беришди. Умумий қарорга киритилган таклифлар доскага ёзиб борилади.*

20.Ақлий хужум ва Брейнсторм усулларини ташкил этиш методикаси

*Ақлий хужум - гояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий хужум» методи бирор муаммони ечишда талабалар томонидан билди - рилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий хужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга та -лабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Талабалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга талаба - лар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий хужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва но - стандарт фикрлашга ўргатади.*

21.Ишбилармонлик ўйинлари ва уларни ташкил этиш босқичлари

*Ишбилармонлик ўйин билиш ва ўқитишнинг инструментарияси каби XX асрнинг 20 йилларида ривожланди. Ишбилармонлик ўйинлари тушуниш инструменти каби имитацион ўйинларни қўллаш натижасида юзага келган.*

*Имитацион ўйинлар, ўз навбатида, ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий ўйинларни қўллаш натижасида юзага келган.*

*Ишбилармонлик ўйинларни белгили-контекст ўқитиш шакли каби кўриб чиқилади. Ишбилармон ўйинларда ўқитиш фаолияти ва келажакдаги касбий фаолият модель ва унинг прототипи каби, ҳар қандай сунъий ва табиий тизим каби ўзаро мос келади. Шунинг учун ўкув ишбилармонлик ўйинлари касбий фаолиятнинг белгили модели каби аниқланади, унинг контексти белгили воситалар билан моделлаштириш тиллари, имитация ва алоқа, шу жумладан табиий тил ёрдамида берилади.*

*Бундай ўқитишни ташкил этишда ўқув юртларининг вазифаси талабанинг бир фаолият туридан (ўқув) бошқа (касбий) фаолият турига фанни тегишлича ўзгартириш, мотивлар, мақсадлар, воситалар, усуллар ва фаолият натижаларига мувофиқ табиий ўтказишни таъминлайди.*

*Ишбилармонлик ўйинларига янгича технологик ёндашиш ўз ичига қуйидагиларни олади:*

*- ишлаб чиқаришнинг имитацион моделидан иборат бўлган ўқув материали мазмунининг тизимлилиги;*

*- ишбилармонлик ўкув моделида бўлғуси касбий фаолиятнинг тузилмаси ва функционал бўғинларни яратиш;*

*- ўқув жараён шароитларини билимлар ва уларни амалий қўллашда эҳтиёжларни юзага келтиришни реал шароитларга яқинлаштириш*

*- ўйиннинг ўқитиш ва тарбиявий самарасининг жами;*

*- ўйинни олиб борувчи ўқитувчи томонидан талабаларнинг фаолиятини ташкил қилиш ва тартибга солишдан талабаларнинг ўз ҳаракатлари ва фаолиятини ўзи ташкил қилиш ва ўзи тартибга солишга ўтишни таъминлаш.*

*Ўйин орқали ўқитиш касбий фаолиятни ўзлаштиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. У ўқув вазиятида конкрет касбий фаолият вазиятини юзага келтириш воситасида таъминланади.*

*Умумий ҳолда ИЎ лари турли хилдаги бошқарув ва ишлаб чиқариш вазиятларини моделлаштиришнинг тизимли усули сифатида таърифланади. Унинг мақсади алоҳида шахс ёки гуруҳни қарорлар қабул қилишгаа ўргатишдир.*

## 22.Case-study технологиясини таълим жараёнида қўллаш

***Кейс-стади*** *(инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi -таълим) - кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга*

*йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.*

***Кейс-стади** - таълим, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган таълим технологиясидир.*

*Қуйидаги маълумотда “ШИРИН” фирмасининг иш фаолияти ҳақида асосий тушунчалар, хўжаликда меҳнат қилувчи мутахассислар, чиқарилаётган маҳсулотлар ва бошқалар ҳақида маълумотлар берилган.*

*Корхона бизнес-режага асосан корхона қишлоқ хўжалиги махсулотлари яъни хўл меваларни қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, асосан якуний маҳсулот сифатида қуруқ мевалар ва печени махсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган. Мазкур маҳсулотларнинг истеъмолчиларга етказилиши ушбу ҳудудда турдош корхоналарнинг ўзаро рақобатини кучайтиради. Натижада бозорда маҳсулотларнинг сифати яхшиланиб, нархларнинг пасайишига олиб келади.*

*Мазкур кейсда ушбу корхонанинг молиявий фаолияти таҳлил қилинган бўлиб, корхонанинг устав капитали, капитални доиравий айланиши, капитални кўпайиши, корхона истиқболини белгилаш ва рақобатда муваффақият қозониш муаммоларини ҳал этишга, ҳамда уларнинг ечишига ёрдам беради.*

*Кейсда масаланинг ечими орқали талаба қуйидаги натижаларга эришиши мумкин:*

**Тадбиркорлик терминига тўғри таъриф бера олади;*

**Тадбиркорлик капиталини мазмуни нимадан иборат эканлигини аниқлай оладилар;*

**Тадбиркорлик капитали ўзининг доиравий айланиши жараёнида неча босқични босиб ўтишини билиб олади;*

**Тадбиркорлик капитали қайси босқичда миқдоран кўпайишини билиб оладилар;*

**Корхонани бошқариш ва рақобат стратегиясини тўғри-нотўғрилигини текшира оладилар;*

**Тадбиркорлик фаолияти бўйича меъёрий хужжатларни, умумий қоидаларни биладилар.*

23.Видеоконференция ва уни ўқув жараёнида қўллаш

*Масофадан видеоконференция тизимини қўллаш ёрдамида интерактив ўқув дарсларини олиб бориш имконияти яратилди, яъни интерфаол усулда маърузаларни ўқиш, семинарлар ташкил этиш, саволларга жавоблар ва ҳоказо.*

***Интерфаол форма** – масофадан видеоконференция ўқитиш тизими, масофадан туриб Интернет ёки локал тармоқ орқали ўқитишдан фарқ қилади, худди радиодан ва телевидениядан маъруза ўқиш каби.*

***Масофадан видеоконференция тизими** – матнли ахборотлар алмашиш, файллар алмашиш имконини беради. Ташқи электрон доска қўллашда ўқитувчи доскага ёзади ва бу видеоконференцалоқа кўмагида бошқа аудитория тингловчиларига кўрсатилади.*

*Электрон доскадан масофадан ўқитиш тизими фойдаланувчилари бир хил фойдаланишлари мумкин, яъни бир доскага чизилган расм бошқа аудиториядаги доскаларда кўрсатилади. Дарс олиб бориш жараёнида видеокамера автомат тарзда маъруза ўқиётган проффессор, талаба ёки савол берувчи томонга бурилади.*

*Видеоконференция – бу шундай компьютер технологиясики, у орқали фойдаланувчи шахслар бир-бирларини реал вақтда кўради, эшитади ва маълумотлар билан алмашади.*

*Видеоконференция тарихи 1964 йил AT&T компанияси томонидан ишлаб чиқилган Videophone (реал вақтда овоз ва тасвирни алмашиш) қурилмасидан бошланади.*

*Видеоконференция ўтказиш учун асосан иккита шартни бажариш лозим:*

*а) видеоконференцияни амалга ошириш учун зарур бўлган компьютер (техник) қурилмалари;*

*б) видеоконференцияни ўтказиш талабига жавоб берувчи алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда, мулоқотга чиқувчилар билан боғланиш.*

24. Ўқув жараёнида график органайзерларни қўллаш технологияси

*“Инсерт” технологияси INSERT жадвали мустақил ўқиш вақтида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштиришни таъминлайди: олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш четга чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришига ёрдам беради.*

*Ўқув фаолиятини ташкилтиришнинг жараёнли тузилмаси.*

*INSERT jadvalinii to’ldirish qolidasi bilan tanishadilar. Alohida o’zlari*

*O’qish jarayonida olingan malulmotlarni aloxida o’zlari tizimlashtiradilar- Jadval ustunlariga “kiritadilar”*

*Matinda belgilangan quyudagi belgilarga muofiq:*
*“V” – men billgan malumotlarga mos:*
*“-“ – men bilgan malumotlarga zit:*
*“+” – men uchun yangi malumot :*
*“?” – men uchun tushunarsiz yoki malumotni aniqlash, to’ldirish talab etiladi.*
*2 va 3 jixatlarning hamda umumiy tomonlarni solishtirish yoki taqqoslash yoki qarama qarshi quyish uchun qullaniladi.*
*Tizimlki fikrlash, solishtirish, taqqoslash, tahlil qilish, kunikmalarini rivojlanBiradi.*

*DIAGRAMMA VENNA tuzish qoidasi bilan tanishadilar. Aloxida /kichik guruhlardan diagramma Vennani tuzadilar va kesishmaydigan joylarni (x) tuldiradilar*

*Juftliklarga birlashadilar, o’zlarininmg diagrammalarini taqqoslaydilar va tuldiradilar.*

*Doiralarni kesishuvchi joyida , ikki/uch doiralar uchun umumiy bulgan, malumotlarni ruyxatini tuzadi*

*Кластер (тармок) методи*

*Pedagogik strategiyasi bo’lib, u ko’p variantli fikrlash, o’rganilayotgan tushuncha (hodisa, voqealar) o’rtasida bog’lanish o’rnatish malakalarini rivojlantiradi, erkin va ochiqdan-ochiq fikrlashga yordam beradi “Klaster” so’zi g’uncha, bog’lam ma’nosini beradi. Klaster tuzish ketma-ketligi: 1. Sinf o’quv taxtasi o’rtasiga tayanch so’z yoki ibora yoziladi. 2. Kichik guruhdagi yoki yakka tartibdagi talablarga ushbu so’z yoki iboraga tegishli bo’lgan so’zlar yoki gaplarni yozishni talab qilib. “aqliy hujum” o’tkaziladi. 3. Tushuncha yki g’oyalar o’rtasidagi bog’lanishni o’rnatish talab etiladi. 4. Eslagan variantlarning barchasini yozish tavsiya qilinadi.*
*“Т” схема -Бу киёсий катталиклар универсал график ташкилотчиси булиб, у бири-биридан кескин фарк килувчи узаро карама-карши ва баъзи мезонлар билан фарк килувчи тасвирлашга кулайлик яратади*

25. Дебатлар услубини қўллаш технологияси

*Дебатлар (тортишувлар)/ Дебатлар ўз нуқтаи назарини асослашда синфдаги барча ўқувчиларнинг (ёки асосий қисмининг) баҳслашувда фаол иштирок этишини таъминловчи ўқитиш услубидир. Бу услубдан фойдаланиш танқидий тафаккурни ривожлантиради. Ўқувчи ўз нуқтаи*

*назарини рад этиши керак. Баҳс ҳақиқатни юзага келтиргани боис ўқитувчи синфни икки гуруҳга бўлган ҳолда мунозарани атайин авж олдиради (гуруҳларга бир-бирига зид нуқтаи назарларни айтади, баҳсли топшириқлар беради). Бу усул ёзма ҳолда олиб борилса, ёзма дебатлар бўлади.*

*Қўлланилиши:*

**баҳсда ўқувчиларнинг фаол иштироки таъминланганда;*

**муаммони ҳал қилишда моҳирликка ўргатишда;*

**фикрни аниқ ва қисқа ифодалашга имкон берилганда.;*

*Афзаллиги:*

**ўқувчиларни баҳслашишга ўргатиши;*

**мунозара маданиятини шакллантириши;*

**асослаб бериш малакасини ошириши.*

1.Президент И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида кўтарилган масалалар.

*Маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб серқирра тушунчанинг назарий ва амалий томонлари. Истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалалари*

2.Президент И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида глобаллашув жараёнларининг маънавиятга таъсири ва таҳдиди масаласининг асослаб берилиши.

*Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир.*

*Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас.*

